

Kabar

31
(1037)-son


3-avgust

www.kabar.uz
info@kabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



Компьютер болалари-2

"Компьютер бола учун фойдалими ёки зарарли?" Бир неча йиллардан бери турли педагогик ва психологик соҳалар мутахассислари ўртасида қизгин баҳсга сабаб бўлаётган бу саволга яқдил жавоб беришнинг иложи йўқдек. Бу муаммонинг ечимини топиш учун унга турли томондан ёндашиш талаб этилади.

Қўйилган саволга жавоб топиш жараёнида бирин-кетин яна янги ва янги саволлар келиб чиқаверади: "Болани компьютер билан таништиришни нимадан бошламоқ керак?", "Умуман олганда, бу таништирувни неча ёшдан бошлаш аҳамиятли?", "Фарзандингизга қандай дастурлар билан ишлашга рухсат бергансиз?", "У интернетга кирадимиз?" ...Ўз-ўзидан жавоб келиб чиқади: "Буни оила ҳал қилиши лозим". Демакки, ушбу мураккаб муаммо ечимини ота-оналар гарданига юклаш — уларнинг қандайдир йўл билан ҳал қилишларини аниглади.

5-бет



Орзуси — юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш


Уни бир кўрган киши Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг юксак мукофоти — "Ўз касбининг устаси" кўрак белгиси билан тақдирланганлигига ишониши қийин. Кўриниши олийгоҳ талабасини эслатади: сочларини орқасига йиғиб, боғлаб қўйибди, оддий либосда, турли бўёқлардан холи юзларида жиддийлик ва самимият. Лекин у билан суҳбатлаша бошласангиз қанчалар зукко ва билимли, касбини севувчи ва соҳасини яхши билувчи ишончли мутахассис, мамлакат тақдир учун жон куйдирувчи фидойи инсонлигига амин бўласиз ва беихтиёр юрт тақдир ани шундай ёшлар кўлида эканлигидан мамнунлик ҳиссини туясиз.

3-бет

Сўнги янгилик!

Delta Electronics компанияси ноодатий ташқи аккумулятор (Innergie PocketCell) тақдимотини ўтказди. Ташқи зарядлаш қурилмаси функцияларини ўзида жамлаган бу митти аккумулятор 10 минг турдан зиёд қурилма, жумладан, iPad, iPhone ва iPod, Samsung, BlackBerry, Android смартфонлар ҳамда портатив медиа-плеерларни қувватлантира олади.

Янги аккумуляторнинг асосий афзаллиги 3 000 мА сизимга эгалигидир, бу эса, масалан, смартфонда 25 соат бетиним сўзлашиш имконини беради.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

Электрон таълимни жорий этиш маркази ташкил этилади	3
Ягона жамоа шартномаси: олти ой яқунлари	4
Студент из Узбекистана стал победителем международной олимпиады Cisco-NetRiders 2012	6
Телефон тасодиф маҳсулими?	11
Рақамли радиоэшиттириш	12
Олимпиада-2012: спортчиларимиз иштироки	15

Теледастурлар, спорт, сканворд

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 26 июл куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили этиб тайинланган Патриция Флор хонимни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили этиб тайинланган Патриция Флор хоним юртимизга таширифи давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлиб учрашув ва музокаралар ўтказди.

Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари муҳокама этилди.

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан 2012 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар, келгусидаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги самараларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда тегишли вазирликлар, ЎзННТМА, Фуқаролик жамияти шаклланишининг мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Белгияда нашр қилинадиган оммабон "Voyages Voyages" ойлик журнали саҳифаларида таниқли фотожурналист Эзекуэл Скагнеттининг "Ўзбекистон — тамаддунлар чорраҳаси" сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ушбу мақола муаллифнинг шу йил март ойида мамлакатимиз бўйлаб уюштирган ижодий сафарининг натижаси сифатида ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилиш иштирокчилари мамлакатимизда реклама соҳасида мукаммал қонунчилик базаси мавжудлиги сабаб мазкур соҳа ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

Реклама тарқатишда телевидение асосий субъект ҳисобланиб, бозордаги улуши 52 фоизни, босма нашрлар улуши 22, ташқи реклама 14, радионинг улуши эса 12 фоизни ташкил этади.

"Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ташқи рекламани жойлаштириш бўйича комиссиялар ташкил этилган, реклама соҳасига оид қонунчилик нормаларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Асосий эътибор "Реклама тўғрисида"ги қонун нормалари мазмун-моҳиятини жамоатчилик, реклама агентликларига етказишда тарғибот ва ташвиқот ишларига, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама фаолиятини рағбатлантиришга, қонун бузилишлари олдини олиш мақсадида профилактика ишларига қаратилгандир. Тошкент шаҳар ҳокимлигида тузилган комиссия томонидан реклама бозоридagi иxtisosлашган реклама агентлиги субъектлари учун 2012 йилнинг 1 июнига қадар мана шундай тушунтириш аҳамиятидаги 4 марта семинар-йиғилишлар ўтказилган бўлиб, 7та масала бўйича муҳокама-лар ташкил этилган.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги реклама бозорининг умумий ҳажмига нисбатан Тошкент шаҳрининг улуши 52 фоизни ташкил этади. Тошкент шаҳри реклама бозорида бугунги кунда 200дан

Реклама сифати депутатлар муҳокамасида

ортиқ субъект фаолият юритмоқда, шундан 68таси ташқи рекламани жойлаштиришга иxtisosлашган реклама агентликлари саналади.

Тошкент шаҳрида мавжуд реклама бозорининг реклама тарқатиш билан боғлиқ йўналишлар тизимидаги фоиз нисбати ўрганилганда, ўртача 35 фоизи телевидение, 24 фоизи радио, 23 фоизи босма нашрлар ва 18 фоизи ташқи рекламага тўғри келиши маълум бўлди. Шаҳарда жойлаштирилган 4113та ташқи реклама воситаларининг 32 фоизи юқори технологиялар асосидаги LCD экранларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилган.

Республика реклама бозорининг таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, агар ўтган йили реклама агентликлари сони 482тадан иборат бўлган бўлса, жорий йилда уларнинг сони янада ошиб, 494тани ташкил этмоқда.

Самарқанд вилояти реклама бозори таҳлил қилинганда жами реклама улушининг 42 фоизи телевидение, 14 фоизи радио, 28 фоизи босма нашрлар, 16 фоизи ташқи рекламага тўғри келади. Вилоят ҳокимлиги қoшидаги комиссия 2011 йилда 23 мартаба, жорий йилнинг олти ойи давомида 15 мартаба йиғилиш ўтказиб, 800дан ортиқ ёзма мурожаатларни кўриб чиққан. Ташқи рекламанинг қарийб 70 фоизи давлат тилида ёзилгани, товар ва хизматлар ҳақида тарқатилаётган рекламанинг 80 фоизи маҳаллий тадбиркорлар маҳсулотларига тегишли эканлиги эътиборга молиқдир.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакили сўзга чиқиб, реклама бо-

зорини ривожлантириш борасидаги ишлар, истиқболдаги режалар ҳамда реклама соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Шу ўринда "Реклама тўғрисида"ги қонунга асосан алкохол ва тамаки маҳсулотлари рекламаси тақиқланганлиги, нотўғри рекламаларнинг олдини олиш механизмлари жорий қилинганлиги жамоатчилик орасида ижобий баҳоланганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда "Реклама тўғрисида"ги қонунга оид мамлакат миқёсидаги статистик маълумотлар чуқур таҳлил қилинди. Таъкидлаб ўтилдики, 2011 йил ва жорий йилнинг олти ойи давомида 774та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилиб, булар асосан нотўғри рекламанинг тарқатилиши, ташқи реклама жойлаштириш тартиби ва талабининг бузилиши, телевидениеда чекланган вақтга амал қилмаслик, рекламага оид асосий талабларнинг бузилиши характеридаги қондабузарликлардир.

Қонун бузилиши ҳолатларининг кўп қисми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 2011 йилда реклама қонунчилигини бузганлиги учун 121 нафар мансabdор шахсга, Самарқанд вилоятида эса 1 нафар мансabdор шахсга, жорий йилда тегишлича 29 ва 16 нафар мансabdор шахсларга жарима қўлланилган.

Йиғилиш чоғида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига, ҳокимликларга, тегишли вазирлик ва идораларга "Реклама тўғрисида"ги қонун талабларини бажариш юзасидан тавсиялар билдирилди. Хусусан, реклама бозорини мониторинг қилиш, реклама соҳасидаги статистика тизимини такомиллаштириш, ташқи рекламани жойлаштириш қондаларига қатъий амал қилиш, реклама берувчи ва тарқатувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташқи рекламанинг давлат тилидаги матнини кўпайтириш тавсия қилинди.

Қўмита йиғилишининг якунида реклама қонунчилиги ва унинг амалиётга татбиқ этилишини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

"XXX Yozgi olimpiada o'yinlari. London" номли почта маркалари муомалага чиқарилди



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғига мувофиқ, 2012 йил 27 июлдан "XXX Yozgi olimpiada o'yinlari. London" номли янги почта маркалари муомалага чиқарилди.

Спорт турларидан бири — велоспортга бағишланган маркада велосипедчилар мусобақа пайти тасвирланган. Марканинг ўнг пастки бурчагида Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасининг логотипи жойлаштирилган, пастки қисмида "XXX Yozgi olimpiada o'yinlari. London" деб ёзилган.

Лондонда ўтказиладиган XXX Ёзги олимпиядада ўзбекистонликлар спортнинг бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамплин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнoн-рум кураши, теннис, қиличбозлик, ўқ отиш каби турларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Хикоямиз қахрамони Дилором Абдураззокова "Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази"нинг техник кўмак бўлими мутахассиси. Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация факултетини битириб, ушбу нуфузли марказда иш бошлаган Дилором кўсқа фурсат ичида кўпчилик ҳурматино кўзона олди ва ҳар қандай вазифани ишониб топшириш мумкин бўлган мутахассисга айланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Дилором 1987 йилда Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида, алоқачилик касбини ўзи учун шараф деб билувчи Абдурашид Абдураззоков хонадонидан таваллуд топди. Абдураззоковлар оиласи кейинчалик Тошкент вилоятининг Янгибозор қўрғонига кўчиб келишди ва оилада кўпроқ республикада алоқа соҳасини ривожлантириш борасидаги олиб борилаётган ишлар, мустақиллик шарофати билан янги техника ва технологияларнинг юртимизга кириб келишига имконият яратилаётгани каби мавзулар борасида гап боргани боис, бу ерда камол топаётган болалар қалбида ҳам шу соҳага ҳавас уйғонди. Шунинг учун ҳам Дилоромнинг уч нафар оғиси алоқачилик касбини танлашди. Бугунги кунда Абдураззоковлар хонадонининг беш нафар аъзоси юртимизда алоқа соҳасини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Оила бошлиғи Абдурашид Абдураззоков "Sarkor Telecom"да ривожлантириш бўлимининг бошқараётган бўлса, кизи Шахноза шу корхонада офис менежери бўлиб ишлайпти. Мукаддам Абдураззокова "Алоқалойиха" давлат унитар корхонаси ходими. Қизларнинг ҳар иккиси ҳам ўз оилавий бахтини топганлардан. Учинчи қиз Шохидда эса пойтахтимиздаги 237-АТСда муҳандис бўлиб ишлайди. Бирор сабаб билан оила аъзолари йиллиқ қолишса гап, албатта, соҳани ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга бориб такалади, бахс-мунозаралар бўлади. Оила бекаси Гулсуноя опа уларнинг гапларини тинглаб ўтирар экан, турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари билан фахрланади, шундай ажойиб оиласи борлигидан, фарзандлари ота изидан бориб, элдан оёғи топаётганлигидан хурсанд бўлади.

Хикоят

Инсонийликнинг энг шарафли ва энг буюклик даражаси унинг ақлидир.

ФИТРАТ

Орзуси — юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш



бугунгидай фарахли кунларга етказганига шукр қилади.

Дилором ҳали ТАТУда ўқиб юрган пайтидаёқ устозлари тавсияси билан ҳозир ўзи меҳнат қилаётган Марказга келган ҳамда тест синовларидан ўтиб, курсларда ўқиган ва турли дастурий маҳсулотларни яратишда иштирок этган. Шу туфайли олийгоҳни битиргач, бу иқтидорли кизни жамоа аъзолари бажонидил ўз сафларига қўшиб олишди. Мана, икки йилдирки, у марказнинг энг ишчан ходими сифатида КаДаТа, Меддата каби дастурий маҳсулотларнинг ҳаётга жорий этилишига ўз ҳиссасини қўшяпти.

— КаДаТа — кутубхоналарни ахборотлаштириш дастурий таъминоти бўлиб, у орқали кутубхоналарни ахборотлаштириш ишлари амалга оширилади — дейди Дилором. — Республикада фаолият юритаётган ахборот-ресурс марказлари бизнинг марказимиз билан шартнома тузиб, ушбу дастурий таъминотни сотиб оладилар. Лекин ҳамма ахборот-ресурс марказларида ҳам компютер билан ишлашни яхши

Дилором Абдураззокова ўз устида ишладан чарчамайдиган ёшлардан. У келгусида ТАТУнинг магистратура босқичида ўқишни давом эттириш билан бирга, тест топшириш орқали Американинг нуфузли "Microsoft" академияси сертификатини ҳам қўлга киритмоқчи.

биладиган ходимлар ишлайди деб бўлмади. Табиийки, дастурий маҳсулотдан фойдаланишда муаммолар юзга келиши мумкин. Шундай пайтда улар бизнинг ёрдамимизга таянадилар.

Ҳозир республикадаги 100дан ортиқ ахборот-ресурс марказлари КаДаТа дастурий маҳсулоти билан таъминланган. Улар хоҳлаган пайтларида

марказимиз билан боғланиб, техник кўмак олмақдалар. Шунингдек, биз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ишини ахборотлаштиришга ҳам яқиндан ёрдам бердик. Яъни, кутубхонада фойдаланишда бўлган қозғоқ вариантдаги китоб карточкаларини электрон кўринишга келтиришга кўмаклашдик. У ердаги мавжуд ўттиздан ортиқ компютерга КаДаТа дастурий таъминоти ўрнатилди. Уларнинг яхши ишлашини ҳар кун текшириб, назорат қилиб турдик. Кириштирилган маълумотлардан захира олиш, барча компютерлар ишчи ҳолатини назорат қилиш каби ишларни олиб бордик. Олти ой ичида қўйилган натижага эришилди.

Дилором олиб бораётган ишлари ҳақида соатлаб сўзлай олади. Зеро, касбига меҳр қўйган одамгина ана шундай иштиёқ ва завқ билан гапириши мумкин. Унинг фикрларини тинглаб ўтирар эканмиз, нуфузли мукофот эгасини топиб берилганига амин бўлдик.

Дилором Абдураззокова ўз устида ишладан чарчамайдиган ёшлардан. У келгусида ТАТУнинг магистратура босқичида ўқишни давом эттириш билан бирга, тест топшириш орқали Американинг нуфузли "Microsoft" академияси сертификатини ҳам қўлга киритмоқчи.

— Бу сертификатта эришни осон бўлмаслигини биламан, — дейди Дилором. — Тест синовлари жуда мураккаб. Бу саволларга жавоб бериш учун кўп нарсани билишга тўғри келади. Юртимизда эса ёшларнинг пухта билим олишлари, ўз устида ишлаб, самарали натижага эришишлари учун барча имкониятлар яратилган. Мен ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда орзуларимга етишга ҳаракат қилаверман. Эришган муваффақиятларим орқали юрт фаровонлигига ҳисса қўша олсам, ўзимни бахтёр деб ҳисоблайман.

Ҳа, ўқиш, изланишдан чарчамайдиган, доимо юксак марралар сари интиладиган Дилором Абдураззокова каби инсонларга толе ҳам қўлиб боқади. Биз ҳам унинг орзулари амалга ошишига тилакдошимиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Электрон таълимни жорий этиш маркази ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида "Электрон таълим" миллий тизимини яратиш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида юқори технологик даражада ўқув жараёнини ташкил этиш учун электрон ўқув-методик ва ахборот-кутубхона ресурслари, ахборот тизимлари шакллантирилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- "Электрон таълим" миллий тизимининг маъмури ва бошқариш функциясини амалга ошириш;

- олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, видеоконференцалоқа ва масофадан ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни ва илмий-

тадқиқот ишларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш;

- олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг "Электрон таълим" миллий тизими ахборот-таълим ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

- олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ва "Электрон таълим" миллий тизимига киритилган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талабларни ишлаб чиқиш;

- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрларининг малакасини

ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари педагоглари учун ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- таълим жараёнида компютер ускуналаридан фойдаланишнинг самардорлигини таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш, олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг компютер ва коммуникация воситаларини янгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Марказда ўрта бўлим — АКТни ривожлантириш, жорий этиш ва мониторинг; Ахборот-таълим ресурсларини ривожлантириш; Корпоратив тармоқ ва техник таъминот бошқаруви бўлимлари ташкил этилади. Шунингдек, марказ мультимедиа ва веб-студияга ҳам эга бўлади.

Ўз мухбиримиз

Xalqaro hayot



ШИМОЛИЙ КОРЕЯда бир неча кундан буён тинмай ёғаётган ёмғир сув тошқинига сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, табиий офат оқибатида тўқсонга яқин киши ҳалок бўлган, бир юз элликдан зиёд одам оғир жароҳатланган. Кучли тошқин тураржой биноларини вайрон қилган. Қарийб олтинчи мингдан ортиқ киши бошпанасиз қолган.

ЕВРОПАда давом этаётган молиявий-иктисодий инқироз автомобиллар савдосига ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқарувчиларни ташвишга солмоқда. Масалан, АКШнинг етакчи автоконцернларидан бири — "Форд" жорий йилнинг олти ойи якунлари бўйича қутаётган соф фойданинг 57 фоизини бой берган. Бу 2,5 миллиард доллардан зиёдрок маблаг деганидир. Шундан қарийб 1 миллиард доллари Европа бозори "хиссаси"га тўғри келади.

АКШ молия вазири ушбу масала юзасидан ўз фикрларини билдирар экан, еврохулуддаги инқироз дунё иктисодиётидаги ўсиш суръатларини ҳам секинлатиб қўяётганини, шу боис бу ердаги давлатлар бозорини барқарорлаштириш бўйича қатъий чоралар кўриш лозимлигини таъкидлади.

ИСПАНИЯда ишсизлик рекорд даражага етди. Айни пайтга келиб, 5,7 миллион киши ишсизлик мақомини олган. Бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг чорак қисmini ташкил этади. Кескинлашиб бораётган вазият мамлакатда ҳамон таъсири сақланиб турган молиявий-иктисодий инқироз билан боғлиқ.

АРИЗОНА (АКШ) штатидаги Финикс шаҳрида кучли қум бўрони содир бўлди. Табиий офат оқибатида минглаб тураржой бинолари электр таъминотисиз қолган. Юз метр баландиликка кўтарилган қумли бўрон соатига 55 километр тезликда ҳаракатланган. Кузатувчиларнинг айтишича, шаҳарнинг юз километр худудини қоплаган қум маҳаллий аҳолига катта талафот етказган. Шаҳардаги аэропортлар вақтинча иш фаолиятини тўхтатган.

ГОНКОНГликлар дунёда энг узок умр кўрувчи одамлар, деб тан олинди. Шу кунгача узок умр кўрувчи одамлар рўйхатида биринчи бўлиб келаётган японияликларнинг ўртача умр кўриш даври 85,9 йилни ташкил қилмоқда. Гонконгга эса ўртача умр кўриш 86,7 йилга етган.

ГРЕНЛАНДИЯдаги музликлар ҳаво ҳарорати кўтарилиб бораётгани туфайли жуда тез эримокда. НАСА олимлари космосдан туриб олинган суратлар асосида ана шундай фикр билдиришяпти. Хавотирли жихати, бу салбий жараён катта ҳудудда — оролнинг 97 фоиз майдонида кузатишмоқда. Шу жумладан, денгиз сатҳидан 3200 метр баландиликдаги энг совуқ қисмида ҳам музликлар камайиб борапти.

Маълумот ўрнида: дунёдаги музликларнинг қарийб 20 фоизи айнан Гренландияда жойлашган.

Ягона жамоа шартномаси: олти ой якунлари

Ягона жамоа шартномаси алоқа корхона ва ташкилотлари ходимларини ижтимоий муҳофазалашда асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2012 йилнинг биринчи ярмида тизимда қилинган ишлар Тошкент вилояти касаба уюшмаси ва корхоналар мутасаддилари иштирокидаги анжуманларда муҳокама қилинди. Йиғилишларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси ўринбосари Э.Юсупов қатнашди.

Почта

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида бўлиб ўтган анжуманда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида филиал директори А.Хайдаров ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Б.Рафиқовлар ҳисобот беришди. Шунингдек, Ангрен ва Чирчиқ почта алоқаси тармоқлари раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан ўз таклиф ва муносабатларини билдиришди. Жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш, почта транспорти хайдовчилари маошларини ошириш каби масалалар кизгин муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Тошкент филиали ходимлари сони 1443 нафарни, улардан 949 нафарини аёллар (65,7 фоиз), 381 нафарини 30 ёшгача бўлганлар (26,4 фоиз) ташкил этади. Ўтган олти ойда филиал ходимларининг ўртача ойлик маоши 318,8 минг сўм атрофида бўлди. Ягона жамоа шартномасида белгиланганидек, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, кўнгилли ва маданий дам олишларини таъминлаш чоралари кўрилиб, филиалда узок йил ишлаганлар, меҳнат таътилига чиққанлар, кам таъминланган оилалар ва бошқалар ижтимоий ҳимояга олинди. Анжуманда галдаги вазифалар

белгилаб олиниб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар чиқарилди.

Телеком

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиалида бўлиб ўтган анжуманда филиал директори А.Исмоилов ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Б.Рафиқовлар 2012 йил биринчи ярмида Ягона жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ахборот беришди.

Вилоятда 850 нафар телекомчи фаолият кўрсатади. Ўтган олти ойда ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи жамоа шартномасида белгиланган тўловлар билан биргаликда 368,5 минг сўмни ташкил этди. 2011 йилнинг шу санасига солиштирилганда, иш ҳақлари 130,8 фоизга ошган.

Филиал директори маърузасида ходимларнинг иш шaroитларини яхшилаш, уларга ижтимоий қафолатлар тақдим этиш юзасидан амалга оширилган ишлар тилга олинди. Жумладан, зарарли иш шaroитида, байрам ва тунги соатларда ишловчи, алоқа соҳасида узлуксиз фаолият юритган, юбилей ёшига етган, нафақадаги, биринчи марта никоҳдан ўтаётган, соғлигини тиклаётган ходимларга, вафот этган ходимларнинг оилаларига моддий ёрдам берилиб, қўшимча тўловлар

тўланган.

Шунингдек, хавфсизлик техникаси мақсадларида тегишли ишлар амалга оширилиб, 247 нафар ходим суғурта қилинган.

Ходимлардан 168 нафарига уй телефонларидан фойдаланганлиги учун корхона ҳисобидан 1151,0 минг сўмлик абонент тўловлари тўланган.

Ёзги дам олиш мавсумида филиал ходимларининг 80 нафар фарзанди учун оромгоҳларга йўллалар берилди.

Филиалда "Мустахкам оила йили Давлат дастури" доирасида ҳам диққатга сазовор ишлар қилинди. Жумладан, ходимларга "Соғлом она — соғлом фарзанд" тамойилига мувофиқ тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида "Инвест Сейв Групп" корхонаси билан 20250,0 минг сўмлик шартнома имзоланди. Яна бир шартнома "Электромагнит мослашув маркази" ДУК билан имзоланди. Бу келишувга мувофиқ, Тошкент филиали ходимлари Бўстонлик туманида жойлашган "Октом" дам олиш масканига жадвал асосида навбат билан дам олишга жўнатилмоқда.

Йилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Собит АХАДОВ,
"Xabar" мухбири

АТ-хабарлар



Япониянинг электроника "оғир вазиллари" — Fujitsu, Nec ва NTT Docomo смартфонлар учун симсиз чиплар ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган қўшма корхона тузишмоқчи. Янги Access Network Technology компанияси симсиз модемлар ва бошқа функцияларни жамлаган чиплар чиқаради, бу эса якуний электроника маҳсулотлари — смартфон ва планшетларни лойихалашни осонлаштириб, уларни тезроқ бозорга чиқаришга йўл очади.



Жанубий Кореяда жаҳондаги биринчи, ер атрофи орбитасига чиқариладиган ҳақиқий шахсий йўлдош яратилди. Рассом ва муҳандис, 34 ёшли Сун Ходжун ўз қўллари билан ясаган ушбу нанойўлдошни келгусида Бойкўнгир космодромидан учуриладиган Россия ракета-элитувчисида фазога чиқармоқчи. Суннинг айтишича, йўлдош ясаш, мобил телефон ясадан қийин эмас эмиш. OpenSatни ясаб бор-йўғи 500 000 вон (тахминан 450 доллар)га тушган, аммо уни учуриш учун 120 млн. вон керак.



Августнинг биринчи куни Google компанияси Chrome 21. браузерининг якуний талқинини чиқарди. Табиийки, янги ишланма аввалгиларидан бирмунча яхшилланган, қолаверса, Apple компаниясининг Retina-дисплейларига ҳам мувофиқлаштирилган.

Google муҳандиси Роберт Тоскано Chrome 21да қўлланган янги ечим уни кенгрок оммалаштириши ва Internet Explorer билан тафовутни янада қисқарттиришига ишонч билдирган.



Жанубий Кореяда катталиги жихатидан иккинчи ўринда турувчи мобил алоқа оператори - KT Corp.нинг 8,7 млн. абоненти ҳақидаги маълумотларни ўғирлаган икки нафар ҳакер қўлга тушди. Маълум бўлишича, ҳакерлар беш ой мобайнида операторнинг маълумотлар базасига пинҳона кириб, миңозлар ҳақидаги маълумотларни реклама жўнатувчи компанияларга пуллаб келишган.



2016 йилга бориб истеъмолчилар мобил технологияларга сарфлайдиган пул йилига 2,1 трлн. долларга етади. Сарф-харажатлар мобил телефонлар, смартфонлар, планшетлар ва улар учун контент сотиб олишда ифодасини топади, дейилади Gartner компанияси прогнозларида.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бола овунса бўлди...ми?

Аксарият ҳолларда ота-оналар бу масалани муҳофафа қилмасликни маъқул қўришади. Замоновий дунёда шундоғам уларнинг ташвиши кўп, шу боис ҳозирда "Бола нима билан овунса-овунсин" тамойили бўйича тарбиялаш тизими оммалашган. Иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилди, демак, бола симлар ва колонкалар ўртасида эмаклаб юради, монитордаги ёрқин суратларга қувонч билан жилмайди, кейин эса умуман кутилмаганда, соатлаб монитор олдида ўтириш бошланади. Ота-оналар диққат-маркази остида уларнинг сеvimли фарзандлари қандайдир жонзотга айланади. Болалар эса ўзларини жонзот ҳисоблашмайди, бу умуман ҳаёлларига ҳам келмайди, ота-онаси қўнглини айнан нима гап қилганга ёки ҳатто қазабини кўзга япти, бу улар учун меъерий ҳаёт. Таниш ҳолатми?

Фарзандларимиз мобил телефонлар, компютерлар ва мониторлар оламида улғаядиган келажак авлодлардир. Бизнинг ҳаётимизда булар босқичма-босқич пайдо бўлган бўлса, болаларимиз ҳаётига эса улар туғилиши билан кириб келяпти. Биз эндигина ёшига тўлган кичкинтойнинг компютер техникасига қизиқиш билан талпинишидан ҳайрон бўлмай қолдик. Форумлардан бирида бир ёш она мурожаат қилиб қолди: "Менинг фарзандим бир ёшда, халитдан доим компютерга талпинади. У аллақачон компютерни ёкиш учун нимани босиш кераклигини тушуниб олган..."

Бу каби муаммоларда техникани айбаш одат тусига кирган. Катта авлод сариқ матбуотдаги "болаларни дахшатли касаллик — ўйинпарастлик билан захарлаётган компютерлар" ҳақидаги-мақолаларни ўқишни хуш қўришади. Аммо сизу биз — барчамиз ота-оналаримиз тан олишни умуман истамайдиган жиҳатни жуда яхши тушунамиз: муаммолар компютерда эмас — муаммолар уларнинг ўзида. Уларда ўз фарзандларини тарбиялаш иштиёқи кам. Шунчаки, болани қўлидан етаклаб жозибали монитор қаршисига (аввал унинг ўрнида телевизорлар бўлган) олиб келинади ва ўша ерда қолдиришади — оёқ остида ўралашмаса бўлди. Боланинг нима билан шуғулланиши муҳим эмас, асосийси — у ота-онасини қилаётган сеvimли машғулотларидан қалъитиб, жонга тегмасин. Кейин эса болаларни "хароб этаётган" ёмон компютерлардан ҳасрат қилиш бошланади.

"Катта болалар" муаммоси

Ғарбнинг замонавий психологиясига компютер оламининг яна бир муаммоси маълум — "катта болалар" муаммоси. Бундай одамларни аңлатиш учун инглиз тилидаги kid (бола) ва adult (катта) сўзларидан ташкил топган kidult (кидалт) сўзи ўйлаб топилган. Яъни, ёшига номувофиқ хатти-ҳаракатлар қиладиган 35 ёшдан ошган одамлар кидалтлар деб атала бошланган. Улар Гарри Поттер ҳақидаги китобларни ўқишади, интернетдан фаол фойдаланишади, мултифилмлар қўришади, компютер ўйинлари ўйнашади, роликларда, самолёт ва скутерларда учишади ва ёшларбоп кийим

кийишади. Уларнинг психологияси бошқалардан ажралиб туриш, худбинлик ва ўйин иштиёқи даражасида шаклланган. Ушбу феноменнинг асосий сабаби — ўз болалигидан қониқмасликдир. Кидалтларнинг кўпчилиги 1965-70 йилларда туғилган эркеклардир. Уларнинг болалигида дунёда ҳозирги замонавий болаларда бўлган ўйинчоқлар бўлмаган. Шундай "етишмовчилик"ни хис қилиб улғайган бу одамлар истаган нарсасини қилишга ва шу орқали бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдиришга интилишади.

Компютер электрон

ўйинчоқ эмас

"Компютер ва телевизор — маиший техникалар ҳолос. Агар болага улар билан



Компютер болалари-2

тўғри мулоқот қилиш доимо ўргатиб борилса, бу техникалар унинг соғлиғига ҳам, руҳиятига ҳам зарар етказмайди. Ва компютерда доимо ўйнаш бола учун шунчаки қизиқ бўлмай қолади". Компютер навбатдаги янги русум электрон ўйинчоқ эмас, балки техника эканлигини таъкидловчи қимматли бу сўз замирида аини ҳақиқат бордир.

Фарзанди компютерга "ўтириши" билан ота-оналари ушбу хавф билан қатъий қурашишни бошлайди. Қураш гоҳида мутаассибларча ёндашишга бориб етади. Ота-оналар тарбия тизimini қайта қўриб чиқиш (аниқроғи, боланинг қизиқишлари билан жиддий шуғулланиш) ўрнига, барча айбни компютерга юклашади. Ҳамма нарсаси ойдинлашади гўё. Ҳимоясиз темир яна айбдор бўлиб қолаверади.

3. Некрасованинг "Болани қандай қилиб компютердан узоқлаштириш керак ва улар билан нима қилиш лозим" китобидан парча: "Болалар ва ўсмирлар қачонки реал ҳаёт улғайга тўлақонли машғулот таклиф қилолмаса, электр тармоқларига уландиган турли мосламалар томон талпинишади. ... Компютер билан қурашиш керакмас, қураш оилани жипслаштиради. Маъқули ўз фарзандларинингизнинг беғубор талабларини тушунинг ва уларни эпштишга, улар билан мулоқот қилиш ва ўйнашга вақт ва куч топинг. Барчасига (шунингдек, компютерга, телевизор, мобилник, плеер ва бошқаларга ҳам) болалар ва ўсмирлар қўзи билан қараңг. Шундагина виртуал олам оилангизнинг қўмақчисига айланади".

Айбдорни ташқи оламдан излаш инсониятга хос хусусият. Интернет "контенти"нинг катта қисмини айнан шу турдаги ахборотларнинг ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Фақат бунда интернетни айбашда унинг технология

✓ **NPD таҳлилий компанияси ҳисоботи бўйича эса кичик ёшдаги болалар, ўтган йиллар билан таққосланганда, телевизор қўришни ва компютердан фойдаланишни эрта бошлашмоқда. Бугун ушбу ҳолат тўрт-беш ёшга тўғри келади. Олти-етти ёшдаги болаларнинг 28 фоизи CD-плеерлардан фойдаланади. Техника ривожланиш ва кенгайишда давом этяпти, унинг фойдаланувчилари ўртача ёши эса йилдан-йилга пасайиб бормоқда.**

растлик тармоқ сабабли эмас, балки боланинг жамиятда, оилада, реал ҳаётда тўқнаш келган муаммолардан қочиши оқибатида юзага келади. Ҳозир компютерда ишлаш вақтини чегаралайдиган қўплаб дастурлар, интернет маълумотларини филтрловчи қўплаб дастурлар мавжуд — умуман олганда, кичик ёшдаги фойдаланувчилар учун турли тўсиқ ва деворлар қўйилган. Бу дастурларга қаршилиқ қилмаймиз. Фақат унинг ечимини шундай — бола тарбиялашдек улкан масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилиб, компютер зиммасига юклашга яна бир имконият бу.

Дастурлардан бирининг бош саҳифасида эътиборни тортувчи шундай картина бор: марказда бола ноутбукка муккасида кетган, чапда она дугонаси билан телефонда гаплашган ҳолда чойшабларни тахламоқда, ўнг томонда эса ота газета ўқиш билан машғул... Майли, бола тарбияси билан "киберона" шуғуллана қолсин.

Одинроқ ёки кейинроқ

Болалар ва компютерлар мавзусига муносабати бўйича ўз қарашини оддий ва аниқ ифодалайдиган одамлар ҳам бор: "Қанча кеч бўлса, шунча яхши". Тушунарли, жамиятнинг бўлажак аъзосини замонавий техника билан мулоқотдан батамом чегаралаш имкони йўқ. Ҳозирда компютерни бошқара олмайдиган одам меҳнат бозорига рақобатта умуман дош беролмаслиги аллақачон тушуниб етилган. Келажак авлодни ажойиб имкониятларга эга замонавий тамаддундан ажратиб қўйсақ, биз шахсининг шаклланишига тўқинлик қиламиз ва у оқибатда жамоатчилик муносабатларидаги мураккабликларга дош беролмайдиган бўлиб қолади. Айнан шу ҳолат дахшатли худбинликларни келтириб чиқаради Албатта, монитор олдида суткалаб ўтирадиган савдойи-компютерчи бола ўстиришни ҳеч ким хохламаса керак?

Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ

✓ **Kaiser Family Foundation агентлигининг бир неча йил олдин ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, уч ёш ва ундан катта болаларнинг 31 фоизи компютер билан мулоқот қилишни билишади, 16 фоизи компютердан ҳафтасига бир неча марта фойдаланади, 21 фоизи сичқончани ишлатишни мустақил билишади, 11 фоизи эса компютерни ўйғалар ёрдамисиз ёқа олади. Орадан йиллар ўтди, табиийки рақамлар сезиларли ошган.**

эканлиги ҳақида гапирилмайди. Тармоқ — инсоният кўзгуси ҳолос. Ҳар кимда, шунингдек, болада ҳам доим танлаш ҳуқуқи бор ва бу танловга она-оналар ёрдам бериши шарт. Агар ота-оналар "Ўзим, ўз холимига қўй, Яндексдан сўра" ёки бундан ҳам баттарроқ "бу компютерлар ҳеч нимани тушунмайди ва тушунишни истамайди" дея бағирларидан итарса, кейин сеvimли фарзандларининг кунини суткалаб тармоқда ўтказиб, у ерда реал ҳаётдан йироқ номалум нарсалар билан шуғулланишига ҳайрон бўлишларига ҳожат йўқ.

Аллақачон маълумки, интернетпа-



О продлении срока приостановления действия лицензии ИПП "O'ZDUNROBITA" в форме ООО

Согласно приказа Узбекского агентства связи и информатизации № 19-L от 17 июля 2012 года для устранения допущенных нарушений с 18:00 часов 17 июля 2012 года сроком на 10 рабочих дней было приостановлено действие лицензии серии AA №0000682, выданной от 28.07.2004 года ИПП "O'ZDUNROBITA" в форме ООО на проектирование, строительство, эксплуатацию и оказание услуг сетей подвижной радиотелефонной (сотовой) связи.


Письмами от 18 и 24 июля 2012 года ИПП "O'ZDUNROBITA" в форме ООО уведомила УЗАСИ об устранении указанных в приказе нарушений и обратилась принять решение о возобновлении действия лицензии серии AA №0000682, выданной от 28.07.2004г. в целях восстановления сети.

В ходе дальнейшего мониторинга установлено, что компанией фактически не была прекращена незаконная эксплуатация указанных в приказе УЗАСИ от 17.07.2012г. №19-L трех пролетов радиорелейных линий в городе Ташкенте и Ташкентской области.

Выводы факты свидетельствуют об игнорировании компанией предписаний ГИС и приказа УЗАСИ, что квалифицируется соответствии с пунктом 46 "Положения о лицензировании в сфере телекоммуникаций", как не устранение лицензиатом обязательств повлекших за собой приостановление действия лицензии.

В соответствии со статьей 22 Закона Республики Узбекистан "О лицензировании отдельных видов деятельности", а также пункта 45 Положения о лицензировании деятельности в сфере телекоммуникаций утвержденного Постановлением Кабинета Министров от 22 ноября 2000 года № 458 за невыполнение лицензиатом решения лицензирующего органа, обязывающего лицензиата устранить выявленные нарушения, Хозяйственный суд города Ташкента 30 июля 2012 года принял решение о продлении срока приостановления действия данной лицензии на 3 месяца.

Ежегодно, международная Сетевая Академия Cisco (Cisco Networking Academy) проводит самое масштабное в мире онлайн соревнование для молодых сетевых специалистов. Студенты из более 10 000 Cisco Академий, действующих в 165 странах, соревнуются за звание лучшего из лучших в области сетевых технологий. Впервые с 1997 года, абсолютным лидером на части нашей планеты стал студент из Узбекистана, будущий выпускник ташкентской Cisco Академии UZSCINET, Михаил Суриков.



Студент из Узбекистана стал победителем международной олимпиады Cisco-NetRiders 2012

В июле 2012 года состоялось глобальное онлайн соревнование между молодыми специалистами по сетям NetRiders 2012. 147 студентов из Сетевых Академий Cisco 45-ти стран, одновременно в пяти часовых поясах разных уголков планеты, приступили к решению сложнейших сетевых задач. На днях, в Cisco Networking Academy™ (Лондон) были названы имена победителей в пяти категориях.

Лучшими молодыми специалистами по сетям признаны:

- В странах Центральной и Восточной Европы, России и странах СНГ:

Михаил Суриков, Узбекистан

- В странах Западной Европы: Тим Хекман, Германия

- В странах Африки и Ближнего Востока: Дарвин Моктарам, Маврикий

- Самый высокий балл среди женщин присужден: Лилия Рошиору, Молдова



● Самый высокий балл среди мужчин присужден: Александру-Каталин Бужор, Румыния

Олимпиада NetRiders представляет собой глобальный онлайн конкурс, созданный Сетевой Академией Cisco для студентов, обучающихся по программе CCNA (Cisco Certified Network Associate). Задания олимпиады строятся на знаниях и навыках, которые будущие сертифицированные специалисты по сетям получают в региональных и локальных Сетевых академиях своих стран. Участники соревнуются в проектировании, построении, настройке, диагностике и

устранении неполадок виртуальных сетей. Самый лучший, самый знающий, сумевший пройти испытания без ошибок и быстрее других, становится абсолютным победителем.

В 2012 году лучшим из лучших в глобальном сетевом соревновании стал Михаил Суриков, Ташкент, Узбекистан. В январе будущего года, по приглашению руководства компании Cisco, Михаил посетит штаб-квартиру компании для того, чтобы встретиться с ведущими разработчиками и менеджерами Cisco.

Сегодня Михаил Суриков, его тренер и инструктор Григорий Юдин, Сетевая Академия UZSCINET в Узбекистане принимают многочисленные поздравления. Победа Михаила — это достойное подтверждение высочайшего качества IT-образования в Узбекистане и профессионального статуса узбекских сетевых специалистов.

aci.uz

Роль и значение

развития информационных технологий в системе государственного управления

27 июля в здании Музея истории связи Центром UZINFOCOM при содействии Узбекского агентства связи и информатизации был организован учебный семинар "Роль и значение развития информационных технологий в системе государственного управления".

В работе семинара приняли участие более 40 представителей министерств, центров и Центров компьютеризации при областных хокимиятах.

Цель данного семинара — ознакомить участников-представителей государственных органов с новыми направлениями и тенденциями развития современных информационных технологий в государственном управлении как в мире, так в Узбекистане, обмен опытом и мнениями в этом направлении и разработка рекомендаций специалистов по развитию ин-

формационных ресурсов государственных органов.

Ответственные представители Узбекского агентства связи и информатизации в приветственном слове к участникам семинара особо отметили о роли современных информационных технологий в развитии эффективности, обеспечении открытости и прозрачности деятельности государственных органов, повышении доверия населения к государственным органам.

На семинаре были рассмотрены нормативно-правовая база ИКТ в республике в контексте принятых


за последнее время правительственных решений, вопросы состояния и развития сайтов государственных органов, формирования и развития интерактивных государственных услуг, государственных информационных систем и ресурсов, информационной безопасности, состоянию работ по развитию и внедрению в ИКТ в регионах.

Особое внимание на мероприятии было уделено Постановлению Президента Республики Узбекистан "О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий" №ПП-1730 от 21 марта 2012 года, в частности задачам и поручениям, поставленным перед государственными органами по формированию информационных систем и их интеграции в национальную

информационную систему.

В ходе семинара специалисты Центра и приглашенные эксперты дали практические рекомендации по созданию информационных систем, проведению экспертизы и регистрации, а также предложения по улучшению веб-сайтов государственных органов, расширению перечня и повышению качества предоставляемых интерактивных государственных услуг через веб-сайты государственных органов.

В ходе работы семинара состоялась обмен мнениями и опытом между участниками, проанализированы актуальные вопросы и достижения в области развития информационных технологий в системе государственной власти и управления, а также выработаны рекомендации по дальнейшему развитию ИКТ в государственных структурах.



5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Одам ва одам" дастури: "Замин паройиботлари".
7.15 "Иқлим".
7.20 "Кўнгли қўшиқ истайди".
7.30 "Ҳў юмалари". Т/с.
8.00 "Ахборот".
8.40 - 9.45 "Миллатнинг" дастури.
9.45 "Навоийни аниқлаш".
10.00 "Иқлим".
10.05 ТВ - шифокор".
10.10 ТелеТепр: "Бог".
10.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йилгига. "Эркин ва обод Ватан".
11.00 "Ахборот".
"Ёнги таълим қулирида".
11.10 "Қизилқарни математика". М/с.
11.35 "Иқлим".
11.40 "Иқлим дарё оралигида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.00 "Кўнгли қўшиқ истайди".
13.00 "Ахборот" /инглиз/.
13.10 Миллий сериал: "Умр мангилари".
13.45 "Ватан мангилари".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Дунё мангилари".
14.35 Миллий сериал: "Тақдир йўллари".
15.10 "Иқлим".
15.15 Жаҳон мусиқиси хазинасида. А. Дворжак. "Сув париси", 2-қисм.
16.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йилгига. "Эркин ва обод Ватан".
16.30 "Тезкор хабарлар".
16.40 "Ўзбекистон табияти".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Мен - ёшланим".
17.25 "Сизнинг ақлидагилар".
17.30 "Эртаскилар - яхшиликка етадилар".
18.00 "Кўнгли қўшиқ истайди".
18.10 "Иқлим".
18.15 "Кўн маънаси".
18.25 "Қўшқўқдан мактублар".
18.45 "Илҳом".
18.50 Миллий сериал: "Умр мангилари".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Ривонг".
20.10 "Раҳмон тўғриси".
20.40 "Оттин мерос".
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йилгига. "Эркин ва обод Ватан".
22.00 "Ишбилармон хоним". Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Марил хоним". Т/с.
23.35 "Одам ва одам" дастури: "Замин паройиботлари".
23.50-23.55 "Оқун".
23.55 Курсатувлар дастури.
00.00 "Навоийни аниқлаш".
00.15 Миллий сериал: "Умр мангилари".
00.30 "Кўнгли қўшиқ истайди".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 - 2.25 "Миллатнинг" дастури.
2.25 "Ривонг".
2.40 "Раҳмон тўғриси".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 ТелеТепр: "Бог".
5.15 "Мен - ёшланим".
5.30 "Ўзбекистон табияти".
5.50 - 5.55 "Оқун".



6.00 "Ватан мени".
6.10 "Дар замон".
6.40 "Сотлом оила".
7.00 "Жаҳон мусиқиси".
7.30 "Мультиплатформа".
8.00 "Йўн-йўлқар".
8.20 "Ҳўшнинг сундири". Т/с.
8.50 "Ёшнинг навоилари".
9.10 "Жийда гузи". Т/с.

9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Дар".
10.10 "До-ми-сол".
10.40 "Эртаскилар оламида".
11.40 "Истиклол фарандаслари".
11.50 "Ўшқилар". Т/с.
12.40 "Ёшнинг навоилари".
13.00 "Дар".
13.10 "Девор". Б/ф. 2-қисм.
14.40 "Ҳўшнинг оралиги".
15.10 "Афсунлар". Т/с.
16.00 "Дар".
16.10 "Ўшқилар навоилари".
16.30 "Ҳўшнинг сундири". Т/с.
17.10 "Қўшқўқ тарқоққети".
17.30 "Қаҳар гузи".
18.00 "Ҳўшнинг оралиги". Т/с.
18.50 "Мўғиз наво".
18.50 "ЎзЕХ".
19.00 "Дар".
19.30 "Жийда гузи". Т/с.
20.00 "Қўнгли қўшиқлари".
20.40 "Ёшнинг навоилари".
21.00 "Ўшқилар". Т/с.
21.50 "Истиклол салномаи".
22.00 "Дар".
22.20 "Афсунлар". Т/с.
22.30 "Қаҳар гузи".
23.00 "Ватан мени".
00.10 "Ёшнинг навоилари".
00.30 "Дар".
1.00 "Жаҳон мусиқиси".
1.50 "Ботт формула".
2.40 "Павлада".
3.20 "Миллий мерос".
3.40 "Осмондаги болалар". Б/ф.
5.10-6.00 "Муъаллимнинг дунё".



6.00 Курсатувлар тартиби.
6.05 "Қалр ортда".
6.20 "Қасбим-фариш".
6.40 "Боланинг-олтин чоғ".
6.50 "Олимпиада-2012".
7.00 "Пойтахт".
7.30 "Салом, Тошкент!".
7.40 "Тошкент тароналари".
8.45 "Ўшқилар".
8.50 "Муҳаббат ва ҳақирос".
Т/с. 6-қисм.
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.40 Миллий сериал: "Она дарё".
19-қисм.
10.10 "Қўнгли доирасида".
10.25 "Тў-миллол".
10.30 "Пойтахт" /рус/.
10.40 "Гордость и предубеждение".
Т/с. 11-қисм.
11.05 "Эртаскилар".
11.20 "Дўстнинг тўғи". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент!".
14.00 "Дунё" теледастур.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Муҳаббат ва ҳақирос".
Т/с. 7-қисм.
15.35 "Дилдаги гаплар".
16.05 "Мақабда бир кун".
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мултисерил: "Шумтақалар".
17.45 қисмлар.
17.10 "Бизнес-пайтахт".
17.15 "Кечинилар".
17.30 "Ўшқилар".
17.35 "Қамартон". Мусиқий дастур.
17.55 "Мустақиллик менинг тақдирим".
18.00 "Пойтахт".
18.25 "Интеллектуал аукцион".
18.35 Миллий сериал: "Она дарё".
20-қисм. /Премьера/.
19.05 "Фон ва тарқоққети".
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Жумон". Т/с. 110-қисм.
21.05 Тошкент тароналари.
21.20 "Интервью".
21.30 "Пойтахт" /рус/.
21.50 "Теле-маркет".
22.10 "Репортаж" /рус/.
22.25 "Кино SMS со эълоним".
22.30 На экране детектив: "Чисто английские убийства". Фильм-25
X/ф. /Премьера/.
00.00 Курсатувлар тартиби.

00.05 "Идиозонист". X/ф.
2.50 "Открытая дверь".
3.20 "Душманнинг тўғи". Б/ф.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент!".



6.00 "Хайри тон".
6.05 XXX Елги олимпиада
уйнарида.
8.00 ХАБАРИЛАР.
8.10 XXX Елги олимпиада
уйнарида.
12.25 АНОНС.
12.30 XXX Елги олимпиада
уйнарида: тўридан-тўғи олиб
курсатилди.
16.00 ХАБАРИЛАР.
16.10 XXX Елги олимпиада
уйнарида: тўридан-тўғи олиб
курсатилди.
18.30 ХАБАРИЛАР.
18.50 XXX Елги олимпиада
уйнарида: тўридан-тўғи олиб
курсатилди.
20.40 XXX Елги олимпиада
уйнарида: тўридан-тўғи олиб
курсатилди.
21.30 ХАБАРИЛАР.
21.50 XXX Елги олимпиада
уйнарида: тўридан-тўғи олиб
курсатилди.
2.00 Чоршаба дастури анонси.
2.10 - 5.50 XXX Елги олимпиада
уйнарида.



07.00 09.10 11.00 15.10 17.00 19.40 20.50
00.20 04.00-05.00 "ТУМ" навоилари
08.10 Сериал "Соф муҳаббат"
09.40 Сериал "Менталист"
10.30 "Тон-10"
11.30 "Маска Зорро" худ.фильм
14.10 Сериал "Соф муҳаббат"
16.30 "Ўйз устиди"
18.10 "Премьера"
18.40 Сериал "Соф муҳаббат"
21.10 Сериал "Менталист"
22.00 "ЛЕГЕНДА ЗОРРО" худ.фильм
02.00 Фильмы, которые должны
увидеть: "Великолепная семёрка", №
145 по версии "ТУМ"


БИРИНЧИ

04.00, 08.05 Телеканал "Доброе утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.35 Контрольная закупка
09.00 "Жить здорово!"
10.00 Модный приговор
11.15 Сериал "Серпие Марии"
12.25 Смык
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить
14.30 "ЖКХ"
15.20 "Хочу знать"
16.00 "Детектор лжи"
17.00 Вечерние новости
17.35 "Между нами, девочками"
18.05 "Лаваш поженем!"
19.00, 02.05 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.20, 02.55 Сериал "Дом образцового
содержания"
21.15 Комедия "Родители"
23.10 Худ. фильм "Большой капкан
или соло при полной луне"
00.45 Худ. фильм "Зеленый огонек"

РОССИЯ 1

04.00 Утро России
08.00 "С новым домом!" Ток-шоу
08.45 "О самом главном". Ток-шоу
09.30 Сериал "Кулагин и партнеры"
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-
Москва
10.50 Сериал "Тайны следствия"
11.50 "Люблю, но могу"
12.50, 15.45 Вести. Дежурная часть


13.50 Сериал "Ефросинья. Тайная
любовь"
14.45 Сериал "Крестинашка"
16.50 Сериал "Защитница"
19.25 Спокойной ночи, малыши!
19.35 "Прямой эфир"
20.25 Сериал "Нужное лицо"
22.20 XXX летние Олимпийские игры
в Лондоне
02.00 "Честный детектив"
02.35 Комедия "Летние забавы"




04.00 "НТВ утроем".
06.05 Т/с "Возвращение Мухоморова".
08.00, 11.00, 14.00, 17.00 Сегодня.
08.20 "Профессия - репортёр".
08.55 "До суда".
10.00 Суд присяжных.
11.25 "Судебный детектив".
12.35 "Судья без лица".
13.30, 16.30 Обзор. Ч.П.
14.20 "Прокурорская проверка".
15.40 "Говорим и показываем". Ток-шоу.
17.30 Т/с "Москва. Три вокзала".
19.25 Т/с "Наркограф".
21.15 Сегодня. Итоги.
21.35 Т/с "Тузлар. Продолжение".
23.35 Квартирный вопрос.
00.40 "Жуки не лгут!"
01.10 Т/с "Скорая помощь".
03.00 Т/с "Час Волкова".

РОССИЯ 2

06.00, 13.00, 15.45, 21.00, 00.20
Олимпийские игры.
11.55 Олимпийские игры. Лондон-
2012. "Все включено"
12.25 Олимпийские игры. Лондон-
2012. Дневник.
14.00, 22.50 Олимпийские игры.
Легкая атлетика. Прямая трансляция
15.30 Олимпийские игры. Триатлон.
Мужчины. Прямая трансляция
18.00 Олимпийские игры. Спортивная
гимнастика. Финалы в отдельных
видах. Прямая трансляция



06.00 "Моя прекрасная няня"
07.00 "Патина дожи"
07.30 "Что новенького, Скуби Ду?"
00:00 Тунги кинозал: "Тош ва гап" б/ф (Ҳиндустон)
03:00 Тунги хайри бўлини

Шанба

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш этили
04:00 "Тап" кўрсатуви
05:00 "Ганавот" б/ф
06:30 "Файли тонг" дастури
08:40 "Хула" аборот-таҳлилий дастури
09:00 "Муслик вақти" дастури
09:30 "Comedy.UZ" теле-шоу
10:00 "Никол" б/ф
11:30 "Тошхона" кўрсатуви
12:00 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олин дастури
13:30 "Тутқиб бермас фирибар" б/ф
15:40 "Муслик вақти" дастури
16:00 "Сутини" адалар дастури
16:15 "Қонқон" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 "Тутқиб бермас" б/ф
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Зие" студияси намойиш этили
19:45 "Дикхаш" адалар теле-шоу
21:00 "Тап" кўнгличор кўрсатуви
22:15 "Сеннинг исминг ила" б/ф (Ҳиндустон)
01:15 "Муслик вақти" дастури
01:30 Тунги кинозал: "Авиатор" б/ф
03:00 Тунги хайри бўлини

Якшанба

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш этили
04:00 "Тап" кўрсатуви
05:00 "Мафрунингман" б/ф
06:30 "Чой устид" кўрсатуви
07:30 "Муслик вақти" дастури
07:30 "Инфорамцион блок"
08:00 "Бунг хет дейдилар"
08:30 "Едириш куллариди" кўрсатуви
09:00 Боллар вақти
09:30 "Келайлик кўрайлик" кўрсатуви
10:00 "Три Поттер-6" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Файли тонг" дастури
12:10 "Тап" кўнгличор кўрсатуви
13:00 "Супер келинчак" теле-шоу
14:00 "Дикхаш" адалар теле-шоу
15:00 "Муҳим қарор" б/ф
16:20 "Бизнес промо"
16:30 "Тер" билан унган
16:40 "Парламент совети" аборот-таҳлилий дастури
17:00 "Хазина" телешоу викторинаси
18:00 Собиркан Муҳиновдан адиаторлар тароналар
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Зие" студияси намойиш этили
19:45 "Шикл олма" кўрсатуви
20:05 "Супер келинчак" теле-шоу
20:40 "Дийдор ширин" мусиқий-дам олин дастури
21:45 "Comedy.UZ" теле-шоу
22:15 "Адалар салтанати" б/ф
00:15 "Муслик вақти" дастури
00:30 Тунги кинозал: "Қуз афсоналари" б/ф
03:00 Тунги хайри бўлини

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Ўша йилнинг июн ойида Филадельфияда Америка Қўшма Штатларининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган Саноат кўргазмасидан илк телефон қурилмаси ҳам жой олди. Аввалига меҳмонларни Беллнинг янгилиги унча қизиқтирмади. Фақатгина кўргазманинг сўнгги куни мартабали меҳмонлардан бири — Беллнинг Бостондаги мактабига қадам ранжида қилган Бразилия императори Педру II воқеалар ривожини ўзгартириб юборди. Хўрмат юзасидан телефон гўшагини қуловига яқинлаштирган император пастки каватдаги Уотсоннинг овозини эшитиб, хайратини яшира олмади:

"Э, ҳудойим! Ахир бу гапиряпти-ку!..." Шу тариқа янги техника мўъжизаси тилга тушиб, кўргазманинг энг шов-шувли қурилмаларидан бирига айланди.

Шов-шув ўз йўлига-ю, янги қурилмани саноат миқёсда татбиқ этиш юзасидан ҳеч кимдан сас чиқмасди. Хатто истиродан совиб кетган Хаббард (Беллнинг қайнотаси, хомий) 1877 йилнинг бошларида телефон патентини ўша пайтдаги йирик телеграф компанияси — Western Unionга сотиш таклифи билан чиқди. Бироқ компанияни ўзининг назарида истикболсиз кўринган бу ишланма умуман қизиқтирмади. Шундан сўнг Белл, Уотсон, Хаббард ва бостонлик яна бир молиячи шерикликда ўз компаниялари "Bell Telephone"га асос солишди. 1888 йилнинг ўзида компания йиллик фойдаси 1 млн. долларни, тўланган дивидендлар эса 600 минг долларни ташкил этди. XX асрнинг иккинчи ярмидан компания бизнеснинг турли йўналишлари — аэрокосмонавтикадан тортиб компютерларгача, турган гапки, телефония ботида ҳам етакчилар қаторига чиқиб олди.

Телефон ҳуқуқи

Янги компания ишни телефонга бўлган ҳуқуқини химоя қилишдан бошлади. Негаки телефонни ким ихтиро қилганлиги ҳақидаги баҳслар ойлар, ҳафталар ўтиб эмас, атиги соатларда пайдо бўлган. Элиша Грей патент идорасига Беллдан икки соат кечикиб борганини ҳикоямиз аввалида айтгандик.

Грейнинг тарафдорлари ҳақли равишда таъкидлаганларидек, Белл ўзининг ишчи телефон моделини патентни олганидан уч ой ўтиб ясаган ва унда Грейнинг лойиҳасидаги айрим ғоялар ҳам ўз аксини топади.

Техника тарихида бот-бот учраб турадиган ҳолат: муаммонинг якуний ечимига деярли бир пайтда бир неча киши яқинлашди. Белл бошқалардан кўра акустикани яхшироқ тушунгани билан электротехникада шунчаки ҳаваскор эди; қолганлар: Рейс, Меуччи, Берлинер — ҳақиқий электротехника билимдонлари, бироқ улар акустикани назарга олишмаган. Маррага эса Белл

Телефон тасодиф маҳсулими?

ёки Омадли жентлмен Александр Грэхем Белл ҳақида



ва Грей биринчи бўлиб етиб келишди (табиийки, иккаласи ҳам Рейс ва Меуччининг тадқиқотларини обдон ўрганишган).

Белл ва Грей қарама-қаршилиги патент урушлари кўринишида, бир неча ўн минглаб долларлар сарфланган саноқсиз суд йиғилишларида давом этди. Якунда Белл узил-кесил ғалаба қозонган бўлса-да, бу уни ҳеч қандай рақобатдан қафолатлай олмади.

Телефон изчиллик билан такомиллаштиришда давом этар, ҳар бир янги қурилма янги патент даъвосига сабабчи бўларди.

Чекинишми ёки ...

"Ишда фойдали бу қурилма оилавий ҳаётингизни нақ жаҳаннамга айлантириб юбориши ҳеч гап эмас". Мана шу

ақидасига содиқ қолган Александр Грэхем Белл умрининг сўнгги 40 йилида уйига умуман телефон ўрнатмаган экан.

Телефон сайёрамиз бўйлаб яшин тезлигида тарқала бошлаган бир пайтда, 1880 йили Белл ўзи асос солган компанияни тарк этиб, доимий яшаш учун Канадага кўчиб ўтди. У ерда кимсасиз ороллардан бирини сотиб олиб, қўйчилик билан ҳам шуғулланди. Бўш вақтларини ихтироларга бағишлади.

Ихтиролар

Александр Белл умри давомида, айтилик, замондоши ва рақиб Эдисончалик кўп патентлар йиға олмаган: 18таси шахсий ва 12таси ҳаммуаллифликдаги ишланмалар. Шунга қарамадан, "телефон отаси"нинг серкирралиги таҳсинга сазовор. Фотофон (замона-

вий оптик толали тизимлар аждоди), фонографлар ва бошқа маиший электротехниканинг такомиллашган қурилмалари, ҳаво ётиқли биринчи кемалар ва гидропланлар, электр ташхис зонди (рентген аппаратиғача тиббиётда кенг қўлланилган), сунъий нафас бериш аппарати, селен фотоэлементлари, ҳозирги дельтапланларга асос бўлган одамни ҳавога кўтара оладиган варрак ва ҳоказолар.

Ривожланиш пиллапоялари

Оддий телефондан замонавий мобил телефонларигача бўлган масофа бир неча ўн йилларни ташкил этади.

Биринчи тижорий радиотелефон тармоғи 1946 йилда ишга тушган. Ўша йили оддий симлар ўрнини телефон сигналлини ҳалакитлардан ишончли химояловчи коаксиал кабеллар эгаллади. Орадан бир йил ўтгач, бўлажак Нобел мукофоти совриндорлари, Bell компанияси ходимлари — Жон Бардин, Уолтер Браттейн ва Уилям Шокли кремний асрига асос солишди ва яримўтказгичли транзисторлар кенг қўлланила бошланди.

1962 йилнинг 10 июлида Bell ва NASA ҳамкорлигида фазора Telstar — биринчи алоқа сунъий йўлдоши чиқарилди ҳамда кабеллар ва масофага боғлиқ бўлмаган янги авлод алоқаси — уяли алоқа истикболлари кун тартибига чиқди.

Портатив уяли телефондан биринчи қўнғирокни 1973 йили Motorola компанияси бош менежер Мартин Купер амалга оширди. Ўтиборли томони, бу қўнғирок асосий рақиб — Bell компанияси тадқиқотлар бўлими раҳбари Жозел Ангелга йўлланган эди.

1977 йили Американинг икки етакчи телекоммуникация компанияси Bell ва American Telephone & Telegraph (AT&T) бир-бирдан мустақил равишда замонавий мобил алоқа тизими прототипини ишлаб чиқишди ва у бир йил ўтиб Чикагода 2000та дастлабки абонент ўртасида синовдан ўтди.

1979 йили "эстафета таёқчаси" японларга ўтди ва Токиода ҳамма учун очик жаҳондаги биринчи тижорий мобил алоқа ишга тушди.

1987 йили жаҳон бўйича мобил алоқа абонентлари сони 1 миллиондан ошди ва ўшандан буён ўсиш геометрик прогрессия бўйича давом этмоқда.

Собит АҲАДОВ тайёрлади

P.S: "Телефонни аслида ким ихтиро қилган?" Асри қаритган бу жумбоққа яқинда АҚШ конгресси узил-кесил нуқта қўйди ва қўллаб-қувватларга асосланган ҳолда расман Антонио Меуччини "телефон ихтирочиси" дея тан олди. Шу муносабат билан ҳамто Меуччининг тарихий ватани Италияда почта маркалари чиқарилди.

● 1878 йилнинг январидида Нью-Хейвен (Коннектикут штати)да венгр муҳандиси Т.Пушкеш лойиҳаси бўйича жаҳондаги биринчи телефон станцияси ишга тушди. Дастлаб абонентлар 21 нафар эди. Улар сони ошиши билан, орадан бир йил ўтиб, фамилиялар ўрнини икки ҳарф ва 5 рақамдан иборат кодлар эгаллади.

● 1880-йилларда канзаслик (АҚШ) Алмонд Браун Строгер рақамлар дискда айлантириб териладиган телефон аппаратини ихтиро қилди.

● 1891 йили биринчи автомат телефон станцияси Канзасда ўрнатилди.

● 1900 йили Хартфорд (Коннектикут штати) шаҳрида танга ташласа ишлайдиган биринчи кўча телефон-автомати ишга тушди.

● 1904 йили Bell компанияси мутахассислари қабул қилгич ва узатгични бирлаштирган биринчи телефон трубкини ("француз телефони")ни ишлаб чиқишди. Қимматлиги сабаб бу аппарат 1927 йилгача бозорда ўрнини топа олмади.

Маркетинг хизматининг ўрни

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали маркетинг хизмати бўлими томонидан филиал битирувчиларини ишга тақсимлаш бўйича вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотлар, хусусий, кичик ва қўшма корхоналар раҳбарлари, соҳа мутахассислари ва вилоят ўрта-махсус касб хунар таълими бошқармасини жалб қилган ҳолда тақсимот комиссияси тузилган.

Филиал тақсимот комиссияси аъзолари асосий буюртмачи ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжларини ўрганиб чиқиб, битирувчи босқич талабаларининг кейинчалик ишга жойлашганини ҳисобга олган ҳолда корхоналарда уларнинг малакавий ва битирувдодли амалиётларини ўташлари учун буюртмачи корхона ва ташкилотлар билан мулоқотлар олиб боришади. Битирувчилар ўртасида қайси ташкилот ёки корхоналарда бўш иш ўринлари мавжудлиги бўйича суҳбат ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим хизматлари истеъмолчилари (иш берувчи корхоналар, турли мулкчилик шаклига эга бўлган ташкилотлар — давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари) тўғрисида тўлиқ маълумотлар банки битирувчилар эътиборига ҳавола қилиб борилади.

Битирувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабни юзага келтирмоқда.

Бакалавр таълим йўналишлари ва магистрлик мутахассисликлари бўйича ҳар бир битирувчининг рейтинг малакавий сифатлари, интеллектуал имкониятлари тўғрисидаги маълумотларнинг

тақдим этилиши иш берувчи томонидан қизиқишни ошириши табиий. Улар ўртасида сўровнома ўтказилиб, битирувчи талабаларнинг қайси корхона ёки ташкилотда ишлаш хоҳишини ўрганиб чиқишга ҳам эътибор қаратилиб, корхона ёки ташкилотлардаги мавжуд меҳнат ҳамда маънавий-маданий шарт-шароитлар, иш ҳақи миқдорлари ҳақидаги маълумотлар билан талабаларни олдиндан таништириб бориш уларнинг эртанги фаолиятлари учун қизиқишларини орттиради.

TATU Қарши филиали билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, битирувчиларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган "Ахборот технологиялари соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш: муаммолар, ечимлар, таклифлар" мавзусидаги илмий-амалий семинар ҳамда битирувчилар учун "Қара кун" анъанага айланиб бормоқда. Эътиборли томони, унда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари вакиллари, турли корхона ва ташкилотлар, хусусий, кичик ва қўшма корхоналар раҳбарлари, шаҳар ва туман аҳолини иш билан таъминлаш ва бандликка қўмаклашиш марказлари, ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнат бўлимлари вакиллари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари дирек-



торлари, тadbirkorлар ва ишбилармонларнинг ишпироки яхши йўлга қўйилган.

2011-2012 ўқув йилида филиални тўртта таълим йўналиши бўйича 121 нафар талаба бакалавр даражаси бўйича битирди. Уларни ишга тақсимлаш ва жойлаштиришга онд барча зарурий ҳужжатлар (уч томонлама шартнома, ишга юборилганлик тўғрисидаги йўллама, далолатнома) тайёрланиб расмийлаштирилди ва битирувчиларга топширилди.

TATU Қарши филиали ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида олиб борилаётган амалий ишлар натижаси ўлароқ, вилоятдаги мавжуд ва янгидан ишга туширилаётган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг махсус ва касбий фанлар бўйича муҳандис-педагогларга бўлган эҳтиёж битирувчилар ҳисобига қондирилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, кадрларга бўлган талаб ва буюртмалардан

келиб чиқиб, қўплаб янги йўналишлар ва мутахассисликлар очилмоқда. 2011-2012 ўқув йилида филиални битираётган битирувчилар ҳақидаги (таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида, фамиласи, исми-шарифи кўрсатилган ҳолда) маълумотлар тегишли кафедралар билан ҳамкорликда тайёрланмоқда ва битирувчиларни иш жойларига дастлабки тақсимои бўйича тегишли ҳужжатлар базаси яратилди.

Филиалимиз томонидан тайёрланган мутахассислар бугунги кунда нафақат алоқа корхоналарида, балки иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, йирик саноат, ишлаб чиқариш ҳамда қўшма корхоналарда самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Тўлқин БҲРИЕВ,
TATU Қарши филиали
маркетинг хизмати бўлими бошлиғи

Рақамли радиоэшиттириш

Оммавий ахборотни узатиш билан боғлиқ бошқа техника соҳалари каби замонавий радиоэшиттириш тизими олдида бир қатор муаммо ва талаблар борки уларни ечиш мақсадида янги ғоялар, усуллардан фойдаланилмоқда. Шулардан бири рақамли радио алоқани яратиш ва татбиқ этишдир.

Ҳар қандай ахборот радиоканал орқали узатилганда модуляцияланади. 1920 йилларда тақдим этилган амплитудавий модуляцияланган сигналларни узатиш орқали трансляция катта ҳудудни қоплаб олади, аммо ҳалақит бардошлилиги, товуш сифатининг етарлича бўлмаслиги, шунингдек, радиоузатгич фойдали иш коэффициентининг жуда пастлиги замон талабларига жавоб бермай қолди. Ультрақиска тўлқин диапазонида сигналлар 1940 йиллардан бошлаб частотали модуляцияланади (FM). Товуш сифатли, ҳалақит бардошлилиги юқори, фойдали иш коэффициенти ўртача 70 фоизни ташкил қилади. Лекин тўлақонли қабул қилиш масофаси 50 км дан ошмайди. Алоқа соҳасидаги катта муаммолардан бири бўлган кўпнурли ва ҳаракатланаётган объект қабул қилиш жараёнида сигналлар бузилиши кузатилади.

Бу каби шароитда шундай бир тизимга ўтиш керакки, у нафақат юқорида келтирилган камчиликларга барҳам бериши, балки қўшимча қулайлик тақлиф қила олиши керак. Айтайлик, янгиликларни эшитиш билан бир қаторда ёзув кўринишидаги хабарларни

ўқиш, қўшиқчи хонанданинг расми, у ҳақидаги маълумот билан эфирга берилиши радио тингловчиларни қувонтирмай қолмас эди. Бундан ташқари, радиоузатгич қувватини бир неча ўн маротабагача пасайтира олсак, анчагина энергия тежаб қолилар эди. Мана шундай имкониятларга рақамли радиоэшиттириш тизимини йўлга қўйиш орқали эришса бўлади.

Бугунги кунда рақамли радиоэшиттириш тизимида асосий стандарт сифатида Европа Радиоэшиттириш Иттифоқи томонидан ультрақиска тўлқин диапазони учун таклиф этилган DAB (Digital Audio Broadcasting) ни кўриш мумкин. Ушбу стандартга мувофиқ трансляциялаш жараёнида бир неча дастурлар ягона блокка бириштирилади ҳамда битта ташувчи орқали узатилади. Ҳар бир блок ўзида олти асосий радиодастур ва у билан боғлиқ қўшимча маълумотларни сақлашни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, бу тизим частота ресурсидан унумли фойдаланиш ҳамда радиоузатгичлар сонини олти маротабагача қисқартириш имконини беради. Шаҳар шароитида баланд биноларнинг зич жойлашганлиги

туфайли узатилган электромагнит тўлқинларнинг синиб, аксланиб қайтиши натижасида кўпнурли сигнал ҳодисаси кузатилади. Бунинг оқибатида хосил бўладиган ҳалақитни бартараф этиш бир мунча мураккаб. COFDM (Coded Orthogonal Frequency Division Multiplexing) модуляция туридан фойдаланиш натижасида ушбу камчилик бартараф этилиб, юқори сифатли мобил қабул қилишга эришилади. Замонавий DABда аудиони зичлаштириш MPEG 2, AAC, MPEG 4, AAC+SBR ва WindowsMedia кодеклари орқали амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли радиодастурлар 128-256 кбит/с тезлик билан узатилади. Товуш сифати MP3 форматга мос келади.

Радиоэфирни рақамлаштиришда Халқаро Электралоқа Иттифоқи томонидан маъқулланган DRM (Digital Radio Mondiale) тизими ҳам катта аҳамиятга эга. DRMни яратишдан асосий мақсад, сигналларни узок масофаларгача қийинчиликсиз узатиш имконини берувчи ўрта ва қиска тўлқин диапазонидаги амплитудавий модуляцияланган сигналларни ўрнига, товуш сифати FMникига тенг-лашадиган радиоэшиттиришга эришиш бўлган. Шуниси эътиборга лойиқки, DRM андозасидан деярли барча диапазонларда фойдаланса бўлади. Аудиосигналлар билан биргаликда маълумотлар узатиш мумкин. Бундан ташқари, узаткич учун ўтказувчанлик қобилияти, сифат, қабулнинг барқарорлиги каби

турли тартибларни танлаш имкони мавжуд. Тизимнинг яна бир қулай томони шундаки, уни татбиқ қилиш учун мавжуд бўлган амплитудавий модуляцияланган узаткичларни модернизациялаш мумкин. DABдан фарқи равишда товушни компресслашда MPEG 4дан фойдаланилади. Модуляция тури сифатида COFDM танланган.

Жаҳондаги қўплаб мамлакатлар аналог радиоэшиттиришдан рақамлига ўтишда DAB ҳамда DRM тизимларида фойдаланишни маъқул кўришмоқда. Бу иккала тизим бир-бирини тўлдириб туради. Рақамлаштириш жараёни 1980 йиллар охириларидан бошланган бўлса, истеъмолчилар учун биринчи DAB-қабул қилгичи 1995 йилда намоийш қилинган эди. Радиоастота спектри тақсимои, мавжуд бўлган қабул қилгич ҳамда тюнерларни рақамлисига алмаштириш билан боғлиқ бир қанча муаммолар туфайли рақамлаштириш жараёни юқори тезлик билан кечмаяпти. Юртимизда бугунги кунда аналог радиоэшиттириш қиска тўлқин ва FM полосаларида узатишмоқда. Рақамли тизимга ўтиш масаласида эса илмий изланишлар олиб борилапти. Соҳа вакиллари DRM тизимидан фойдаланиш мақсада мувофиқ эканини таъкидлашмоқда. Зеро, мавжуд инфратузилма асосида янги ғояларни татбиқ қилиш давр талабидир.

Илҳом ИБРОХИМОВ,
TATU 3-босқич талабаси

Бу умрини
хайдовчиликдек
масъулиятли ишга
бахшида этиб, шу
оддий, лекин шарафли
касби орқали
юртимизда алоқа
соҳасининг ривожига
ўз ҳиссасини
қўшаётган Абдуқодир
РАСУЛОВнинг
фикрлари. Унинг
тийрак нигоҳлар билан
рул бошқараётганига
ҳам 34 йилдан ошди.



Меҳр беринг, меҳр кўрасиз

Бу йиллар ичида у кўплаб масъул вазифаларда ишловчи шахсларга хизмат қилди, топган маоши эвазига оила тебратиб, фарзандларини камолга етказди, ўқитди, уйли-жойли қилди. Айни пайтда Абдуқодир Расулов "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасида меҳнат қиляпти. Ҳамон унинг чандаст қўллари рудла-ю кўзлари йўлда.

— Отам, Тошкент Давлат университети ўқитувчиси Икромжон ака эрта оламдан ўтдилар, — дейди Абдуқодир Расулов. — Бизни билимли ва маданиятли, хушмуомала онамиз Қория ая оқ ювиб, оқ тараб тарбия қилдилар. Фарзандлар ичида Мўътабар опамгина олийгоҳда ўқиб, шифокор бўлди. Биз эса гарчи қизиқишимиз бўлса-да, оила юқини енгиллатиш мақсадида оддий касбларни танладик.

Кўкчадаги 141-мактабни яхши натижалар билан тугаллаган Абдуқодир Расулов аввал ошпазлик, сўнг эса хайдовчилик курсида ўқиди. Гарчи малакали ошпазлардан касб сирларини ўрганиб, мохир ошпазлик даражасига эришган бўлса-да, хайдовчиликни ўзига бир умрлик касб қилиб олди.

— Меҳнат фаолиятини 1978 йилда 143-почта алоқаси бўлимида почта ташувчиликдан бошладим, — дейди қаҳрамонимиз. — 1979 йилда мени Алоқа вазирлигига ишга қақирисди. Юқори лавозимда ишловчи инсонларга хизмат қилишининг ҳам ўзига яраша масъулияти бор. Мен қаерда бўлмайин, доимо ана шу масъулиятни ҳис қилиб ишладим. Минг шукрки, касбимдан обрў топдим.

Абдуқодир Расулов нафақат иши, балки мустаҳкам ва аҳил оиласи билан ҳам эътибор қозongan инсонлардан бири. Унинг рафиқаси Матлуба Расулова Тошкент автомобил йўллари институтини битириб, турли масъул лавозимларда меҳнат қилди. Бир неча йил Олмазор туман хотин-қизлар кўмитасини бошқарди. Бугунги кунда эса неваралар тарбияси билан банд.

Расуловлар хонадониди бири иккинчисидан ақли, меҳр-оқибатли фарзандлар вояга етди. Айни пайтда қизлари — Камола "Халқ банки"да, Умида "Саноат-қурилиш банк"да фаолият юритишмоқда. Ўғли Баҳодиржон Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кириш учун ҳозирланмоқда. Куёвлари Улуғбек ҳамда Абдулборийлар оиланинг ўғилларига айланиб кетишган. Беш нафар невара бобо ва бувининг қувончи. Оилада бирор тадбир бўлса, Абдуқодирнинг ошпазлик касби кўл келади. Ўғил ва куёвларини ёнига олиб, қайси таомга буюртма берилса, мазали қилиб тайёрлашади. Сўнгра бир дастурхон атрофида ўтирган ҳолда бир-бирларига иззат-икром қўрса-

**Оилада оқибатни қарор
топтириш учун ўзингиз
меҳрли бўлишингиз керак.
Донишмандлар айтганлари-
дай, бошқаларнинг сизга
қандай муносабатда бўли-
шини хоҳласангиз, ўзингиз
уларга шундай муносабатда
бўлмоғингиз лозим.**

тиб, тановул қилишади. Тўксон ёшли Қория аянинг қўллари дуода бўлади. Онахон фарзандлари ахил-иноқ яшаётганига, шундай дорилмон кунларга етказганига шукр қилган ҳолда юртта тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик тилайди.

— Онамнинг хурсандчиликлари бежиз эмас, — дейди Абдуқодир. — Ҳақиқатан ҳам истиқлол туфайли амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳар қандай одамнинг дили яйрайди. Хайдовчи сифатида ҳар кун йўлдаман. Пойтахтимиз қисқа фурсат ичида гўзаллашиб, янгиланиб бораётганига гувоҳман. Текис ва раво кўчалар, йўлдаги пикир-лар бартараф этилишига сабаб бўлаётган замон талабига мос кўприкларни кўриб, завқланаман. Энг муҳими, бу каби янгиланишлар республикамизнинг ҳамма вилоятларида амалга ошириляпти.

Бизнинг "Оила мустаҳкамлиги кўпроқ кимга боварлик деб ўйлайсиз?" деган саволимизга Абдуқодир Расулов шундай жавоб берди:

— Онам биз — ўғиллар тарбиясига алоҳида эътибор берган ҳолда шундай дер эдилар: "Ўғилларим, Аллоҳ сизларни эркак қилиб яратган экан, бу катта масъулият эканлигини унутманг. Оила иқтисодини таъминлаш, ахилликни қарор топтириш, унда яшовчиларни ҳимоя қилиш сизларга юқлатилади. Бунни ҳеч қачон унутманг!". Умрим давомида онажонимнинг ана шу ўғитларига амал қилиб яшапман. Минг шукрки, кам бўлмадим. Оилада оқибатни қарор топтириш учун ўзингиз меҳрли бўлишингиз керак. Донишмандлар айтганларидай, бошқаларнинг сизга қандай муносабатда бўлишини хоҳласангиз, ўзингиз уларга шундай муносабатда бўлмоғингиз лозим. Де-моқчиманки, меҳр беринг, меҳр кўрасиз.

М.ИДРИСҲҲАЕВА

Ҳикмат

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, хиёнат, макр-хийладан узоқ бўлсин.

Абу Наср ФОРОБИЙ

AKS-SADO

Фарзанд ҳам омонат

Омонатга хиёнат энг номаъқул ишлардан бири ҳисобланади. "Xabar" газетасининг 2012 йил 6 июл сонидида эълон қилинган Матлуба Насриддинованинг "Икки уй овораси" мақоласида баён этилган воқеада ҳам омонатга хиёнат қилинибди.

Яъни, Ҳасан ака рафиқасининг опаси оиласи хотиржамлиги учун жону жигаридан бўлган фарзандидан кечиби, хатто уни не-не азоблар билан дунёга келтириб, меҳр билан парварिश қилаётган онаси билан ҳам маслаҳатлашмай боласини Санобар опа хонадонига тақдим этибди. Бундай тантилик, жўмардлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу иши билан Ҳасан ака ўқис қўнгилларга малҳам, зимистондай қоронғу хонадонга ёруғлик олиб киришдек эзгу ниятни кўзлагани шундоқ кўриниб турибди.

Афсуски, Санобар опа билан унинг турмуш ўртоғи болани меҳнатсевар, камтар, одамоҳун қилиб тарбиялай олишмаган. Шунинг учун ҳам Зуфаржон Ҳасан аканинг фарзандларига менсимай қарай бошлаган. Нима яхшилиқ бўлса, фақат мента бўлсин қабилида иш тутган. Унинг янги ота-онаси бола тарбиясидаги бу қусурни ўз вақтида йўқотиб ўрнига уни баттар талтайтиришган. Боламиз яхши ўқияпти-ку, келажакда яхши одам бўлади барибир, деган ҳаёлга боришган. Унинг тарбияси издан чиқиб, дўшпи тор келгач эса ўз ота-онасига ташлаб, қочиб қолмоқчи бўлишган.

Ваҳоланки, фарзанд ота-онага Аллоҳ томонидан берилган омонат бўлиб, уни гўзал хулқли инсон қилиб тарбияламоқ ота-онанинг бурчидир. Афсуски, Санобар опа ва унинг турмуш ўртоғи бунни унутиб қўйишди ва оқибатда жабрини нафақат ўзалари, балки унга катта яхшилиқ қилган инсонлар ҳам ҳамон тортишмоқда экан.

Республикамиз Президенти таклифи билан жорий йил бежизга Мустаҳкам оила йили деб аталмаган. Мустаҳкам оила бунёд этиб, унда дунёга келган фарзандларни эл иши учун фидойи, ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг биринчи галдаги вазифасидир. Зеро, жамият ана шундай оилалар билан мустаҳкам бўлади.

Маҳалламизда ажойиб бир аёл яшарди (Аллоҳ ўз раҳматиға олган бўлсин). Унинг турмуш ўртоғи оғир касаллик туфайли вафот этган бўлиб, ўн нафар фарзандини бир ўзи, деҳқончиликдан келган даромад ҳисобига боқди, ўқитди, уйли-жойли қилди. Болаларини ёнига олиб ишлаб, уларни ҳам меҳнатга ўргатди, одамийликдан сабоқ берди. Барчанинг бу оилага ҳаваси келар, янги турмуш кураётган ёшлар Санталат опанинг дуосини олишга ҳаракат қилишарди. Опа ҳар кун тонг ёришган пайтидаёқ уйкудан уйғонар, то қуёш қўрингунча томорқада анча ишларни бажариб олар эди. Бир кун у энди уйкудан уйғонса, қулоғига чақалоқ товуши эшитилибди. Опа товуш қаёқдан келаятганини тушунай дарҳол эшикни очибди. Қараса, эшиги тагида латта-путтага ўралган чақалоқ йиғлаб ётган эмиш. Опа болани уйига олиб кириб, очиб қараса, у янги туялган гўдак бўлиб, йўрғаги орасига қонзоча қўйилган экан. Унда эса "Сизнинг меҳрингиз мўллигига ишонаман, менинг боламни ҳам ўз фарзандларингиз каби одобли инсон қилиб тарбиялайсиз, деган умиддаман. Қилган аҳмоқона ишим учун уэр сўрайман", деган сўзлар ёзилган экан. Бу воқеадан бутун маҳалла аҳли ларзага тушди. Санталат опа эса болага яхши тарбия бериб, эл қаторига қўшди. Меҳридаре онахон ундан кейин яна уч нафар етим боланинг бошини силаб, катта қилди. Онахон бу савобли иши билан ҳар икки олам саодатига эришган бўлсин, ишшааллоҳ.

Ҳа, азизлар, фарзанд тарбияси ўта жиддий масала эканлигини унутмайлик. Болаларимиз бизнинг келажгимиз, уларга яхши тарбия бериш орқали жамият ривожига, юрт равнақига муносиб ҳисса қўишимиз мумкинлигини, бу бола тарбияси учун масъул ҳар бир шахснинг бурчи эканлигини эсдан чиқармайлик.

Муаттар КАРИМОВА
Тошкент вилояти

Согласно приказа ОАО "Узбекистон почтаси"
№237 от 20 июля 2012 года в Республике Узбекистан с 10 августа 2012 года
вводятся новые тарифы на некоторые услуги почтовой связи.

ТАРИФЫ НА ВНУТРИРЕСПУБЛИКАНСКИЕ УСЛУГИ

№ стат	№ поз.	Виды отправлений и услуг	Весовой сбор за кажд.полн.или неполные 500гр.массы пересылаемой посылки (сум)					
			Наземн.транс.		воздух.транс.		комб.способ.	
			пред.	нас.	пред.	нас.	пред.	нас.
1		Пересылка посылок						
		Расстояние пересылки, км.						
	1	до 600	800	450	1050	550	850	450
	2	свыше 600	1050	550	1450	850	1250	650
№ стат	№ поз.	Виды отправлений и услуг	Оплата в суммах					
1		Почтовые карточки:						
	1	заказная					300	
2		Письма:						
		Заказное весом:						
	1	до 20г.					200	
		Бандероли:						
		Заказное весом:						
	1	до 20г.					200	

ТАРИФЫ НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ УСЛУГИ ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ
Отправления в государства СНГ

Виды отправлений и услуг	Оплата в суммах за пересылку транспортом		Авиасбор за пересылку секограмм
	наземн.	воздушн.	
Почтовые карточки:			
простая	700	800	
заказная	1400	1550	
Письма:			
простое весом:			
до 20г.	1150	1250	
Бандероли:			
простое весом:			
до 20г.	1150	1250	300
Мелкие пакеты:			
плата за вес			
до 100 г	2750	3100	

Отправления в дальнее зарубежье

Виды отправлений и услуг	Оплата в суммах за пересылку транспортом		Авиасбор за пересылку секограмм
	наземн.	воздушн.	
Почтовые карточки:			
простая	800	1000	
заказная	1550	2050	
Письма:			
простое весом:			
до 20г.	1250	1700	
Бандероли:			
простое весом:			
до 20г.	1250	1700	300
Мелкие пакеты:			
плата за вес			
до 100 г	3500	4600	

Внимание: полный перечень тарифов и услуг почтовой связи имеется во всех предприятиях и отделениях почтовой связи.

Тарифы за дополнительные услуги устанавливаются на местах предприятиями связи.

ПОЛЬЗУЙТЕСЬ УСЛУГАМИ ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ!

ОАО "Узбекистон почтаси"

Аукцион савдолари хабарномаси!

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган "АУКЦИОН" савдоларига таклиф этади. "АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй (3-кавати)да бўлиб ўтади.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Махкамасининг 2011 йил 30 мартдаги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Бухоромат.лүботсавдо" акциядорлик компаниясининг қуйидаги шахар ва туманлардаги ташкилотлар устав фондидаги улушлари "Аукцион" савдоларига чиқарилади. "Аукцион" савдолари 2012 йил 11 сентябр куни соат 14.00да бўлиб ўтади.

1-ЛОТ. "Когонмат.лүботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 80 988 156 (саксон миллион тўққиз юз саксон саккиз минг бир юз эллик олти) сўм;

2-ЛОТ. "Олотмат.лүботсавдо" очик акциядорлик жамияти "Савдо-Харид" корхонаси устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 23 407 462 (йигирма уч миллион тўрт юз етти минг юз олтинчи саккиз минг етти миш беш) сўм;

3-ЛОТ. "Ромитамат.лүботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 53 669 075 (эллик уч миллион олти юз олтинчи тўққиз минг етти миш беш) сўм;

4-ЛОТ. "Қорақулмат.лүботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 113 130 633 (бир юз ўн уч миллион бир юз ўттиз минг олти юз ўттиз уч) сўм;

5-ЛОТ. "Пешкумат.лүботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич

баҳоси 20 895 833 (йигирма миллион саккиз юз тўқсон беш минг саккиз юз ўттиз уч) сўм;

6-ЛОТ. "Бухоромат.лүботсавдо" савдо ишлаб чиқариш кооперативи устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 47 617 550 (қирқ етти миллион олти юз ўн етти минг беш юз эллик) сўм;

7-ЛОТ. "Вобкентмат.лүботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 24 560 875 (йигирма тўрт миллион беш юз олтинчи минг саккиз юз етти миш беш) сўм;

8-ЛОТ. "Ғиждувонмат.лүботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 253 259 059 (икки юз эллик уч миллион икки юз эллик тўққиз минг эллик тўққиз) сўм;

9-ЛОТ. "Жондормат.лүботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 25 фоиз улуши бошланғич баҳоси 4 426 000 (тўрт миллион тўрт юз йигирма олти минг) сўм;

Закалат пули миқдори юқоридаги мулклар бошланғич баҳоси 10 фоиз миқдорига белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида қўлиб топишган шахсе 10 (ўн) қулик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларини тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган

шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-кават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларининг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги қелишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жимсоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоом нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ СТИР: 301480431, МФО: 00120 ДАТ "Асакабанк" Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб-рақами: 20208000504828225001.

Буюртманомаларини қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда Сизларни қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (3-кават). Тел: 8 365 223-49-24.

Хизматлар лицензияланган

Олимпиада-2012

Шу кунларда Лондон шахрида XXX ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Спортчиларимизнинг ушбу нуфузли мусобақадаги иштироки ҳақида қуйида даврий тарзда маълумот бериб ўтамыз.

Очилиш маросими

27 июл кунки Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги муҳташам Олимпия стадионида XXX ёзги Олимпия ўйинларининг "Мўжизалар ороли" деб ном олган тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросим машҳур кинорежиссёр Денни Бойл томонидан моҳирона сахналаштирилди.



Театрлаштирилган сахна кўринишидан сўнг, тadbирнинг энг ҳаяжонли қисми — иштирокчи давлатлар спорт делегацияларининг кириб келиши бошланди. Анъанага биноан, майдонга биринчи бўлиб Олимпия ўйинлари ватани — Греция спортчилари чиқиб келди. Сўнг бирин-кетин алфавит бўйича иштирокчи давлатлар делегациялари ўта бошладилар. Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси давлат байроғини баланд тутган спортчимиз — бокс бўйича жаҳон чемпионатлари совриндори, китъа чемпиони ва Осиё ўйинлари чемпиони Элшод Расулов ортидан делегациямиз стадионга кириб келди.

Биринчи кун: Ришод Собиров бронза медални қўлга киритди

Олимпиаданинг биринчи кунда олти нафар спортчимиз мусобақаларга киришди. Илк кунданок Лондондан хушхабар келди. Дзюдо бўйича 60 кг. вазнда иштирок этган ҳамюртимиз Ришод Собиров жамоамиз ҳисобига биринчи медални ёзиб қўйди. У Олимпиаданинг бронза медалини қўлга киритди. Албатта, барча Ришоддан олтин медал кутгани ва унинг бронза билан кифоялангани бир оз ажаблантирди ҳам. Ярим финалда қадар барча рақибларини осонлик билан енгиб келган Ришод финал учун баҳсда россиялик рақибига қўшимча вақтларда кичик ҳисобда имкониятни бой бериб қўйди.

Олимпиаданинг биринчи кунда велоспортчиларимиз Муроджон Холмуродов ва Сергей Лагутиновлар 250 км.га шоссе баҳсларида қатнашилди. Сергей Лагутин мусобақада медал олишга жуда яқин келди, олтин медални қўлга киритган спортчидан атиги 8 сония кеч келган ҳамюртимиз якунда 5-ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, 56 кг. вазнда иштирок этувчи боксчимиз Орзубек Шоимов, 10 метрга ўқ отиш бўйича баҳсларда қатнашган Сакина Мамедова, 48 кг. вазн тоифасида иштирок этган оғир атлетикачимиз Марина Сисоевалар илк кундаёқ мусобақаларни тарк этишди.



Қурашларга бой бўлган биринчи кун хушхабарлар билан ўз якунига етди. Олимпиада-2012 мусобақаларининг теннис баҳсларида ҳамюртимиз Денис Истомин испаниялик кучли рақиб — жаҳон рейтингда 16-ўринни банд этиб турган Фернандо Вердаскони 6:4 ва 7:6 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга йўл олди.

Мамлакатимиз шарафини химоя қилаётган 75 килограмм вазндаги боксчимиз Аббос Атоев марокшаллик Бадриддин Халдиуига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва кейинги босқичга йўл олди.

Иккинчи кун: муваффақият кетидан омадсизликлар

Олимпиада баҳсларининг иккинчи кунда ўзбекистонлик тўрт нафар спортчи ўз иштирокларини бошлашди.

Дзюдочимиз Мирзохид Фармонов 66 кг. вазн тоифасида жанубий корейлик Чо Жун Хога қарши татамига чиқди. Баҳсда юко баҳоси эвазига Чо Жун Хо ғалабани тантана қилди.

Спорт гимнастикаси бўйича баҳсларга кириши қутилган Луиза Галиулина Халқаро Олимпия Қўмитаси допинг назоратидан ўта олмагани туфайли Олимпиада ўйинларидан четлатилди.

Оғир атлетика турида 56 кг. вазн тоифасида мусобақаларга киришган Руслан Макаров буюртма берилган оғирликнинг бирортасини ўзига бўйсундира олмади.

Шу кунни 60 кг. вазн тоифасидаги боксчимиз — Фазлиддин Ғоибназаров муваффақиятли қатнашди. У камерунлик Абдон Йячинте Меволлини 11:6 ҳисобида енгиб, 1/8 финалга йўл олди.

Учинчи кун: Истомин ғалабали одимини давом эттирди

Олимпиада-2012 мусобақаларининг учинчи кунда ўзбекистонлик спортчилар уч йўналишда иштирокларини давом эттиришди.

Олимпиада баҳсларининг сузиш туридан ўрин олган мусобақада ҳамюртимиз Раънохон Аманова, афеуски, саралаш босқичидан муваффақиятли ўта олмади.

Дзюдо бўйича 73 кг. вазн тоифасида Наврўз Жўрақобулов дастлабки баҳсда Науру давлати вакили След Довабобони илпон баҳоси билан, иккинчи баҳсда эса Канада вакили Николас Триттонни юко баҳоси эвазига мағлуб этди. Аммо, нимчорак финалда Пекин Олимпиадаси совриндори, тожикистонлик Расул Бокиевга имкониятни бой берди.

Денис Истомин навбатдаги учрашувида ҳам ғалаба қозонди. Люксембурглик Гиллес Мюллерни 7:6, 6:7 ва 5:7 ҳисобларида мағлубиятга учратди.

Тўртинчи кун: Ўктамжон Раҳмонов кейинги босқичга йўл олди

Олимпиада-2012 мусобақаларининг тўртинчи кунда уч нафар спортчимиз мусобақаларга қўшилди. Дастлаб, оғир атлетика бўйича Баҳром Мендибоев 69 кг. вазн тоифасида баҳсларга киришиб, у ҳам мураббийлар белгиланган тошни кўтара олмади.

Дзюдочимиз Яхё Имомов 81 кг. вазн тоифасида мусобақаларга киришиб, жанубий корейлик рақиб Ким Жи Бумга имкониятни бой бериб қўйди.

Ҳамюртимиз Ўктамжон Раҳмонов бокс бўйича 64 кг. вазн тоифасида эквадорлик Андерсон Мина Ро-



жасни 16:10 ҳисобида мағлубиятга учратди ва 1/8 финалга йўл олди.

Бешинчи кун: Дилшод Чориев медалга яқин эди, аммо...

Биринчи бўлиб мусобақаларга дзюдо кураши бўйича 90 кг. вазн тоифасида Дилшод Чориев киришди. Дастлаб швециялик Маркус Нюманини, сўнг венгриялик Тамаш Мадарашни енгитишга муваффақ бўлди. Аммо чорак финалда бразилиялик Тиаго Камиллога имкониятни бой бериб қўйди ва ўтиш турнири орқали бронза медали учун курашни давом эттирадиган бўлди. Дзюдо ватани вакили Масаш Нипшяма билан кечган беллашувнинг асосий ҳамда қўшимча вақтида ғолиб аниқланмади ва фақатгина ҳакамларнинг якуний ҳулосасига қўра ғолиблик япониялик спортчига берилиди.

Қиличбозликнинг шпага тури бўйича юртдошимиз Руслан Қудаев жанубий корейлик Парк Кёнг Дунни 15-9 ҳисобида мағлуб этди. Афеуски, Руслан иккинчи босқичда венесуэлалик Силвио Фернандесга имкониятни бой берди.

Денис Истомин чорак финалга бериладиган йўлланма учун дунё рейтинг жадвалида пешқадамлик қилаётган Рожер Федерерга (Швейцария) қарши қортга чиқди. 1 соату 21 дақиқа давом этган учрашув 7-5, 6-3 ҳисобида Федерер фойдасига хал бўлди.

Олтинчи кун: тўрт нафар спортчимиз баҳс юритди

Даставвал, дзюдо кураши бўйича оғирлик вазни 100 кг.гача бўлган полвонлар мусобақасида Рамзидин Саидов татамига чиқди. Шундан сўнг 200 метр масофага чалқанча усулда сузиш мусобақаларида Юлдуз Қўчқорова баҳсларни бошлади. Тунда икки нафар чарм қўлқоп усталаримиз Фазлиддин Ғоибназаров (60 кг) ҳамда Аббос Атоев (75 кг) 1/8 финал баҳсларини ўтказишди.

Медаллар тақсмоти

XXX ёзги Олимпиада ўйинларида шу кунга келиб, медаллар қўлга киритиш бўйича Хитой спортчилари яққол устунлик қилишмоқда.

Медаллар қўлга киритиш бўйича кучли ўнлик қуйидагича кўриниш олган:

Давлатлар	олтин	кумуш	бронза	jami
1. Хитой	17	9	4	30
2. АҚШ	12	8	9	29
3. Жанубий Корея	6	2	4	12
4. Франция	5	3	5	13
5. Шимолий Корея	4	0	1	5
6. Германия	3	8	2	13
7. Италия	3	4	2	9
8. Козовин	3	0	0	3
9. Япония	2	4	11	17
10. Россия	2	4	5	11

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентлиkning Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Акрам Каримовга падари бузруквори **Мели КАРИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали, вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал етакчи мухандиси Аҳмед Баҳроновга воайдаи мухтарамаси

Ҳанифа ая ЭШОНОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоимнинг 49-бандига асосан:

"ASATILLO DIAMOND LUXE" хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003023 рақамли;

"ILG'OR QIDIRUV LOYIHA" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002591 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 30 июлдан тугатилди.

MUZEY ZALLARI BO'YLAB

Нодир почта
варақчалари

Музейнинг яна бир эътиборга лойик экспонатлари — бу XX асрнинг 20-60 йилларига мансуб почта варақчалари (карточкалар) тўплами ҳисобланади. Улар ичида нодир варақчаларнинг асли ҳамда нусхалари мавжуд. Киши эътиборини ўзига тортувчи шундай ноёб варақчалар ичида ўзбек рақси "киролчаси", раққоса Мукаррама Турғунбоевнинг рақсга тушаётган пайти ҳамда Тошкентдаги эски вокзалнинг XX аср бошларидаги тасвири туширилган варақчалар алоҳида ажралиб турибди.

Мазкур варақчалар таникли коллекционер Б.Голлендер томонидан тақдим этилган.

Ушбу почта карточкалари "очик хат" деб ҳам юритилади. Бунинг боиси уларнинг орқа томонига мати ва манзил учун махсус чизикчалар туширилганлиги ва конвертга солмасдан жўнатиш мумкин бўлганлигидадир.

FOYDALI MASLAHATLAR

- Соч бўёғи тегиши натижасида кийимда доғ пайдо бўлса, уни бензин билан кетказиш мумкин.
- Оч ва тўқ жигарранг кийимларни ювгандан сўнг қора чой қуйқасида чайсангиз, ранглари униқиб кетмайди.
- Кийимларингиз тезда эскириб кетишини истамасангиз, уларни ювишдан олдин тузли сувда (1 литр сувга 2 чойқошиқ туз) ивитиб қўйинг ва кейин илик, совунли сувда ювинг.
- Қора рангли кийимларингиз униқиб кетишини истамасангиз, уни тузли сувда (1 литр сувга 2 чойқошиқ) чайиб туриш лозим.
- Рангли буюмларни ичимлик содаси солинган сувда (1 литр сувга 1 чойқошиқ) чайканг, шунда уларнинг ранги чиқиб кетмайди. Шунингдек, бундай кийимларни (айникса, пушти, кўк рангли) новшадил спирти қўшилган сувда чайиб туриш ҳам яхши самара беради.

"Неро" сканворди

Тузувчи: С.ТЕМИРОВ



Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал хўжалик бўлами бошлиғи Қомиль АСАДОВНИ 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаги ходими Ўринбой САИДМУРОТОВНИ 50 ёши билан табриклайди. Унга тани солиқ, узоқ умр, фарзандлари камолини хўрашликни тилайди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИБош муҳаррир:
Абдусанд КҶЧИМОВГазета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Хайрат раиси), Шухрат АТАМУХАМЕДОВ,
Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувои НАЖИДИДИНОВ,
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.Г-852 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 14694 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.Вилоят
муҳбирлари:Андижонда 226-47-80
Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 232-97-86

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 224-91-56

Қаришда 314-08-99